

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

50-сон
(342)
2008 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

489. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) кўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 декабрдаги ўРҚ–185-сон Қонуни
490. «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги ўРҚ–186-сон Қонуни
491. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги ўРҚ–187-сон Қонуни
492. «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли

- Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-188-сон Қонуни
493. «Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-189-сон Қонуни
494. «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-190-сон Қонуни

Учинчи бўлим

495. «Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳузурида академик лицей ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 декабрдаги 270-сон қарори
496. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарори
497. «Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 272-сон қарори

Бешинчи бўлим

498. «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатирилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 71-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 9 декабрда 588-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
499. «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 22-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 9 декабрда 1879-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 6 декабрдан 12 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

489 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 30 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда
маъқулланган

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 10 декабрь,
ЎРҚ-185-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 11 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

490 Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда
маъқулланган

Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) қўшилисин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 декабрь,
ЎРҚ-186-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 12 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

491 «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 2 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **18-модданинг учинчи қисмидаги** «январь — март» деган сўзлар «апрель — июнь» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «йилига икки марта: апрель-май ва октябрь-ноябрь» деган сўзлар «йилига бир марта — февраль-март» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 декабрь,
ЎРҚ–187-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 12 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

492 Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда
маъқулланган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилисин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 декабрь,
ЎРҚ-188-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 12 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

493 Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 23 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда
маъқулланган

Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённома (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилинсин.

+

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 12 декабрь,
ЎРҚ-189-сон

-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 13 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

494 Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда
маъқулланган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қуйидаги баёнот билан қўшилисин:

Протоколнинг 3-моддаси 2-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён этадики, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафига фуқароларнинг чакируви Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ улар фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг йўл қўйилади».

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 12 декабрь,
ЎРҚ-190-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 13 декабрда эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

495 Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳузурида академик лицей ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиёт реал секторининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини кондириш ҳамда умумтаълим ва умумкасбий фанлар чуқур ўрганилган ҳолда менежерлар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Халқаро Вестминстер университети ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳузурида инглиз тили чуқур ўрганилган ҳолда аниқ фанлар йўналиши бўйича 360 ўқувчи ўринли академик лицей ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

академик лицей фаолиятига ташкилий ва ўқув-методик раҳбарлик Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази томонидан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети билан биргаликда амалга оширилади;

академик лицейга ўқувчилар белгиланган тартибда, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг таълим йўналишлари ўзига хослигига мувофиқ ўқув йилига 150 нафар қабул қилинади;

академик лицейда ўқитиш давлат таълим стандартларига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейда ўқитишга университетнинг юқори малакали, тажрибали мутахассислари жалб этилишига кўмаклашади.

3. Академик лицей куйидаги манзилга жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда юқорида кўрсатиб ўтилган бинони ўқув, спорт ва хўжалик мақсадидаги барча туташ бинолар ва иншоотлар билан биргаликда Тошкент давлат техника университети балансидан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети балансига белгиланган тартибда, бепул асосда берсин.

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан келишган ҳолда академик лицей бинолари ва иншоотлари реконструкция қилинишини таъминласин, академик лицей 2009/2010 ўқув йили бошланишигача ишга туширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

академик лицейнинг бинолари ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда унинг бундан кейинги жорий таъминоти Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер

университетининг ўз маблағлари, хомийларнинг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

академик лицейнинг педагоглари ва маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек уни зарур ўқув-лаборатория ва спорт анжомлари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш харажатлари таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Академик лицейни ўз вақтида ишга тушириш мақсадида, истисно тариқасида, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида:

академик лицейнинг бинолари ва иншоотларини реконструкция қилиш ишларини лойиҳалаштириш билан бир вақтда амалга оширишга;

лойиҳалаштириш ва реконструкция қилиш ишларини бажаришга бош лойиҳа ва қурилиш ташкилотини уларнинг иш тажрибаси мезонларидан ва зарур моддий-техника ресурслари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, танлов ўтказиш йўли билан белгилашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси академик лицейни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ва қурилиш ишларини эксперт ва техник ҳужжатлар билан таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.М. Ханов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 9 декабрь,
270-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

496 «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, sanoat хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, sanoat хавфсизлигини декларациялаш, «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга му-

вофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси 3-иловага мувофиқ;

Хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

2009 йил 1 июлдан бошлаб хавфли ишлаб чиқариш объектининг лойиҳа ҳужжатлари саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси «Давархитектқурилишназорат» бошқармаси органларида қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказишда ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсат беришда мажбурий ҳужжат ҳисобланади;

саноат хавфсизлиги экспертизаси аккредитация қилинган эксперт ташкилоти билан хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланаётган (фойдаланишни мўлжаллаётган) ташкилот ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади;

саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш муддати саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатларга мувофиқ зарур материаллар ва ҳужжатлар туркуми олинган пайтдан бошлаб ҳамда экспертиза ўтказишнинг бошқа барча шартлари бажарилгач 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси:

саноат хавфсизлиги экспертизаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини, саноат хавфсизлиги соҳасида фаолиятни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда эксперт ташкилотлари аккредитациядан ўтказилганлиги ва улар фаолияти устидан назорат йўсинидаги текширув ўтказилганлиги учун ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсин;

уч ой муддатда саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш, саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш, аккредитациядан ўтказилган эксперт ташкилотлари фаолияти устидан назорат йўсинидаги текширув ўтказиш қоидалари, хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотлар ходимларини тайёргарликдан ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошираётган эксперт ташкилотларига ва саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар белгиланган тартибда ишлаб чиқишини ва тасдиқланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда саноат хавфсизлиги масалаларини тартибга соладиган идоравий ҳужжатларни хатловдан ўтказсинлар ва уларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Тошкент ш.,
2008 йил 10 декабрь,
271-сон

Ш. МИРЗИЁЕВ

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Хавфли ишлаб чиқариш объектларини
идентификациялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби, принциплари ва шартларини белгилайди.

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш хавфли ишлаб чиқариш объектларини Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида амалга оширилади.

3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот ёки эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш фақат эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин.

4. Идентификациялаш объектларни Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

5. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўғрилиги учун жавобгарлик идентификациялашни амалга оширадиган ташкилотга юкланади.

II. Ушбу Низомда фойдаланиладиган терминлар ва таърифлар

Авария — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши.

Буюртмачи — экспертиза ўтказиш учун буюртма билан мурожаат қилган ташкилот.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш — хавфли ишлаб чиқариш объектларини хавфли ишлаб чиқариш объектлари сифатида эътироф этиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектлари белгилари жамини аниқлаш (белгилаш) ва кейинчалик Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартиб-қоидаси.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификация варақаси — хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек улардан фойдаланаётган ташкилотларнинг белгилари, типи ва реквизитлари жамини акс эттирадиган ҳужжат.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари типи — хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфли моддалар категорияси мавжудлиги асосида ушбу хавфли ишлаб чиқариш объектнинг хавфлилиги даражасини белгилайдиган хавфли ишлаб чиқариш объекти тавсифи.

Объектнинг хавфлилиги белгилари — «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 1 — 5-бандларига мувофиқ объектда хавфли моддалар (мавжудлигича), хавф юқори бўлган техника қурилмаларидан фойдаланилишига ва ишлар олиб борилишига эътиборни қаратиш.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги — хавфли ишлаб чиқариш объектларида шахс ва жамиятнинг авариялар ва нохуш ҳодисалардан ва уларнинг оқибатларидан ҳаётий муҳим манфаатлари ҳимояланганлиги ҳолати.

Sanoat хавфсизлиги экспертизаси — экспертиза объектнинг унга қўйиладиган sanoat хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

Эксперт ташкилоти — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, sanoat хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган ташкилот.

III. Объектларни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категорияси ва типларига киритишнинг асосий мезонлари

6. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига қуйидаги хавфли моддалар:

1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;

тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилиқ даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;

муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қил-

ган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавfli концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларида) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

7. Объектни хавfli ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритиш объектнинг хавfliлиги белгиларини аниқлаш асосида уни идентификациялаш жараёнида амалга оширилади.

Объектни ушбу Низомнинг 6-банди 2 ва 3-кичик бандларида назарда тутилган белгилар бўйича хавfli ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритишда хавфсизликнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ҳам «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясида рўйхатдан ўтказиладиган, ҳам рўйхатдан ўтказилмайдиган техника қурилмалари ва иншоотлар ҳисобга олинади.

8. Хавfliлик даражаси бўйича хавfli ишлаб чиқариш объектлари қуйидаги типларга бўлинади:

биринчи типдаги хавfli ишлаб чиқариш объектлари — ушбу Низомга 2-илованинг 1 ва 2-жадвалларида кўрсатилган миқдорда, уларнинг чекланган меъёрига тенг бўлган ёки ундан ортиқ бўлган хавfli моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган юқори хавfliлик даражасидаги объектлар;

иккинчи типдаги хавfli ишлаб чиқариш объектлари — биринчи типга тегишли бўлмаган, ушбу Низомга илованинг 1 ва 2-жадвалларида кўрсатилган миқдорда, уларнинг чекланган меъёридан кам бўлган хавfli моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган объектлар;

учинчи типдаги хавfli ишлаб чиқариш объектлари — объектларнинг биринчи ва иккинчи типларига тегишли бўлмаган, ушбу Низомнинг 6-банди 2 — 5-кичик бандларида кўрсатилган хавfliлик белгиларига эга бўлган объектлар.

Хавfli ишлаб чиқариш объектлари типи хавfli ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашда аниқланади.

9. Биринчи ва иккинчи типдаги хавfli ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш қуйидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширади:

2-илованинг 1-жадвалида кўрсатилмаган хавfli моддалар учун 2-илованинг 2-жадвали моддалари қўлланилади;

агар хавfli ишлаб чиқариш объектлари ўртасидаги масофа 500 метрдан камни ташкил этса, хавfli модданинг жами миқдори ҳисобга олинади;

агар айни бир категориядаги хавфли моддаларнинг бир нечта турлари қўлланилса, уларнинг жами бошланғич (чекланган) миқдори

$$\sum_{i=1}^n m(i)/M(i) > 1$$

шарти билан аниқланади,

бунда $m(i)$ — қўлланиладиган модда миқдори;

$M(i)$ — барча 1 дан n гача i учун 2-илованинг 1 ва 2-жадвалларига мувофиқ айни бир модданинг бошланғич (чекланган миқдори).

IV. Идентификациялашнинг асосий принциплари

10. Қуйидагилар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган асосий принциплар ҳисобланади:

зоналаштириш принципи;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўлиқлиги ва ишончлилиги принципи;

мустикаллик принципи;

камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.

11. Зоналаштириш принципи тегишли технологик жараёнлар амалга оширилаётган ишлаб чиқариш майдончалари (ёки) ишлаб чиқариш биноларининг бирлаштирувчи мезони сифатида ажратиб кўрсатиш йўли билан хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотлар таркибида барча хавфли ишлаб чиқариш объектларини аниқлашни англатади.

Қоидага кўра, хавфли ишлаб чиқариш объекти сифатида битта ишлаб чиқариш майдончасида жойлашган корхонани ажратиб кўрсатиш тавсия қилинади. Агар корхона бир-биридан 500 метрдан ортиқ масофада жойлашган бир нечта ишлаб чиқариш майдончаларида жойлашган тақдирда, майдончаларнинг ҳар бири алоҳида хавфли ишлаб чиқариш объекти сифатида қаралади.

12. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги принципи хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот таркибида ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объектининг хавфи ва типнинг барча белгилари аниқланишини ва саноат хавфсизлиги экспертизаси ҳулосасида акс эттирилишини англатади.

13. Мустикаллик принципи хавфли ишлаб чиқариш объектининг бир типи учун характерли бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларига эга бўлган объект учун энг кам суғурта суммаси миқдори кўрсатиб ўтилган белгилар сонига боғлиқ бўлмаслигини англатади.

14. Камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи агар объект турли типларга мансуб бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларга эга бўлса, у ҳолда энг хавфли типга мансублигини англатади.

V. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби

15. Идентификация варақаси ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объекти учун ушбу Низомга 1-иловада келтирилган шакл бўйича тўлдирилади.

16. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавfli ишлаб чиқариш объектини идентификациялаш буюртмачи билан эксперт ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

17. Идентификациялашни ўтказиш муддатлари, қоидага кўра, экспертиза объектининг мураккаблиги билан белгиланади, бироқ экспертиза бошланган пайтдан бошлаб 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида идентификациялаш натижалари хавfli ишлаб чиқариш объектининг идентификация варақаси шаклида расмийлаштирилади ва ушбу варақа саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасига илова қилинади.

19. Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби ва экспертиза хулосасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

20. Саноат хавфсизлиги экспертизасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган хулосаси белгиланган тартибда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилади.

Хавfli ишлаб чиқариш объекларини
идентификациялаш тартиби тўғрисидаги
низомига
1-ИЛОВА

Хавfli ишлаб чиқариш объекларини идентификациялаш ВАРАҚАСИ

1. Хавfli ишлаб чиқариш объекти

1.1. Объектнинг тўлиқ номи	
1.2. Объект жойлашган жой (манзили)	

2. Объектнинг хавfliлиги белгилари

2.1. «Хавfli ишлаб чиқариш объекларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 1-бандида кўрсатилган хавfli моддалардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ҳосил қилиш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш	1
2.2 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиш	2
2.3. Кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларида) фойдаланиш	3
2.4. Қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олиш	4
2.5. Кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориш	5

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

3. Объект типи

3.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловасидаги 1 ва 2-жадвалларда кўрсатилган белгиланган чекланган меъёрларга тенг ёки ундан ортиқ миқдордаги хавфли моддалар мавжуд бўлган объектлар	1
3.2. 3.1-кичик бандда кўрсатилган объектларга тегишли бўлмаган, хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловадаги 1 ва 2-жадвалларда кўрсатилган белгиланган чекланган меъёрдан кам миқдордаги хавфли моддалар мавжуд бўлган объектлар	2
3.3. Ушбу варақанинг 3.1 ва 3.2-кичик бандларида кўрсатилган объектларга тегишли бўлмаган, 2.1–2.5-кичик бандларда кўрсатилган хавфлилик белгиларига эга бўлган объектлар	3

4. Фойдаланадиган ташкилот (таъсис ҳужжатларига мувофиқ)

4.1. Ташкилотнинг тўлиқ номи	
4.2. Ташкилотнинг почта манзили	
4.3. Телефон, факс	
4.4. Идоравий мансублик	

Изоҳ: 1.1, 1.2, 4.1 — 4.4-кичик бандларда бўш ўнг ҳошия тўлдирилади, 2.1 — 2.5 ва 3.1 — 3.3-кичик бандларнинг ўнг ҳошиясида хавфлиликнинг зарур белгилари кодлари ва объект типи қайд этилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини
идентификациялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Хавфли моддалар сонининг чекланган
МЕЪЁРЛАРИ**

1-жадвал

Хавфли модданинг номи	Чекланган меъёр, тонна
Аммиак	500
Аммоний нитрат (таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортигини ташкил этадиган аммоний нитрат ва аммоний аралашмаси, шунингдек аммоний нитрат концентрацияси массанинг 90 фоизидан ортиқ бўлган аммоний нитратнинг сувли эритмалари)	2500

Хавфли модданинг номи	Чекланган меъёр, тонна
Ўғит шаклидаги аммоний нитрат (аммоний нитрат асосидаги оддий ўғитлар, шунингдек таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортиғини ташкил этадиган мураккаб ўғитлар (мураккаб ўғитлар таркибида аммоний нитрат фосфат ва (ёки) калий билан биргаликда мавжуд бўлади)	10 000
Акрилонитрил	200
Хлор	25
Этилен оксиди	50
Цианли водород	20
Фторли водород	50
Олтингугуртли водород	50
Олтингугурт диоксиди	250
Олтингугурт триоксиди	75
Қўрғошин алкили	50
Фосген	0,75
Метилизоцианат	0,15

2-жадвал

Хавфли моддалар турлари	Чекланган меъёр, тонна
Алангаланадиган газлар	200
Товар-хом ашё омборлари ва базалардаги ёнадиган суюқликлар	50 000
Технологик жараёнда фойдаланиладиган ёки магистрал қувурлар билан узатиладиган ёнадиган суюқликлар	200
Заҳарли моддалар	200
Юқори заҳарли моддалар	20
Оксидланадиган моддалар	200
Портловчи моддалар	50
Атроф табиий муҳит учун хавф туғдирадиган моддалар	200

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
2-ИЛОВА

Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисида НИЗОМ

И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизимининг (кейинги ўринларда «Экспертиза тизими» деб аталади) асосий вазифалари, ташкил этилиши, қатнашчилари таркибини ва унинг асосий функцияларини белгилайди.

2. Ушбу Низом авария ва жароҳатланиш бўйича маълумотлар таҳлили самара-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

дорлигини оширишга, авариялар келиб чиқиши ва уларнинг оқибатлари сабабларини белгилайдиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этишга, авария жараёнларини моделлаштиришга, хавfli ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини асосли прогнозлаштириш мақсадида саноат хавфсизлиги соҳасидаги халқаро меъёрлар ва талабларни қўллашга йўналтирилган.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

саноат хавфсизлиги экспертизаси (кейинги ўринларда «экспертиза» деб аталади) — экспертиза объектнинг унга қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

экспертиза объектлари — хавfli ишлаб чиқариш объектидаги лойиҳа ҳужжатлари, техника қурилмалари, бинолар ва иншоотлар, саноат хавфсизлиги декларацияси ва хавfli ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси;

саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими — экспертиза қатнашчилари, шунингдек эксперт фаолият унинг доирасида ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган меъёрлар, қоидалар, методикалар, шартлар, мезонлар ва тартиб-қоидалар жами;

эксперт ташкилоти — саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган, белгиланган тартибда аккредитация қилинган ташкилот;

экспертиза хулосаси — экспертиза объектнинг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида асосли хулосаларни ўз ичига олган ҳужжат;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт — экспертизани амалга оширадиган аттестациядан ўтказилган мутахассис;

аккредитация аттестати — аккредитация қилинган эксперт ташкилотларининг экспертиза бўйича фаолиятни амалга ошириш ваколатини тасдиқлайдиган расмий ҳужжат;

буюртмачи — экспертиза ўтказишга ёки аккредитация қилишга буюртма билан мурожаат қилган ташкилот.

4. Экспертиза қатнашчилари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив техник ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва ушбу Низомга амал қиладилар.

5. Саноат хавфсизлиги экспертизасини белгиланган тартибда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари амалга оширади.

6. Эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш уларнинг саноат хавфсизлиги соҳасидаги фаолияти даражасини ошириш, эксперт ташкилотларини билиб танлашда буюртмачига қўмаклашиш ва эксперт хизматлари кўрсатишда ишонч мухитини қарор топтириш мақсадида аккредитация бўйича ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

7. Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

8. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларнинг малакаси ва ваколати даражасини баҳолаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими қатнашчилари

9. Қуйидагилар экспертиза тизими қатнашчилари ҳисобланади:

- саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 29 майдаги 114-сон қарори билан ташкил этилган Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш;
- мувофиқлаштирувчи-маслаҳат органи — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг «Саноат хавфсизлиги» кўмаклашиш маркази;
- «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ташкил этиладиган методик кенгаш;
- «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ташкил этиладиган норматив ҳужжатлар билан таъминлаш комиссияси;
- аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари;
- саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар.

III. Экспертиза тизимининг асосий вазифалари ва унинг қатнашчиларининг функциялари

10. Қуйидагилар экспертиза тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатлари, хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган техника қурилмалари, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги бинолар ва иншоотлар, саноат хавфсизлиги декларациялари ва хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар мустақил, ҳолисона ва бетараф экспертиза қилиниши учун ҳуқуқий муҳит яратиш;
- республиканинг хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат авариялари эҳти-молини прогноزلаштириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат аварияларининг олдини олишга йўналтирилган мақсадли ва комплекс илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг ходимлари ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, хавфли технологиялар ва ишлаб чиқаришлар хавфини камайтириш, хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган иқтисодиёт тармоқлари, ташкилотлар барқарор фаолият кўрсатишини ошириш;
- эксперт ташкилотлари, экспертлар, шу жумладан саноат хавфсизлиги экспертизаси натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва ҳисоб-га олиш;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг республикадаги мавжуд аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари тўғрисида ҳабардорлигини кенгайтириш;
- саноат хавфсизлиги экспертизаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

11. Қуйидагилар саноат хавфсизлиги соҳасида махсус ваколатли давлат органининг асосий функциялари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш таркибини тасдиқлаш;

саноат хавфсизлиги талабларини белгилаш;

саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаларини тасдиқлаш;

Экспертиза тизими қатнашчиларининг фаолиятини тартибга соладиган ташкилий-методик ҳужжатларни маъқуллаш;

саноат хавфсизлиги соҳасида Экспертиза тизими ва аккредитациянинг ягона қоидалари ва тартиб-қоидаларини белгилаш ва тасдиқлаш, уларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

саноат хавфсизлиги экспертизаси ва аккредитация соҳасида мамлакатимизнинг ҳамда хорижнинг органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни аккредитация қилиш, назорат йўсинида текшириш ва аттестациядан ўтказиш, шунингдек Экспертиза кенгашини норматив ҳужжатлар билан таъминлаш комиссиялари таркибларини тасдиқлаш;

саноат хавфсизлиги соҳасида Экспертиза тизимини такомиллаштириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни аттестациядан ўтказиш ва улар фаолиятини назорат қилиш;

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрини юритиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни, экспертиза хулосалари ва хавфсизлик декларацияларини ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва уларни назорат йўсинида текшириш учун ҳақ тўлаш тартибини белгилаш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертиза ўтказиш ва аккредитация қоидалари бузилган тақдирда саноат хавфсизлиги соҳасида экспертнинг гувоҳномаси амал қилишини ва экспертиза хулосасини бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни махсус тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг умумий қоидаларини белгилаш;

экспертиза ва аттестация қоидаларига риоя қилиш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Қўрсатиб ўтилган функцияларни амалга ошириш учун саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи тадқиқот, илмий-техник, жамоат ташкилотларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

12. Қуйидагилар мувофиқлаштирувчи-маслаҳат органларининг асосий функциялари ҳисобланади:

Экспертиза тизими барча қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Экспертиза тизимида ва аккредитацияда амал қиладиган норматив ҳужжатларни расмийлаштириш ва нашр этишни ташкил этиш;

аккредитация қилинган эксперт ташкилотларининг ҳисобга олиш маълумотлари эълон қилинишини ташкил этиш;

эксперт ташкилотлари фаолияти, Экспертиза тизимининг норматив-методик базаси ҳолати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

Экспертиза тизими қатнашчилари ва аъзоларини саноат хавфсизлиги соҳасидаги ахборот билан таъминлашда қўмаклашиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида қоидалар, тартиблар ва аккредитация мезонлари бўйича манфаатдор ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларга маслаҳатлар бериш;

Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгашга Экспертиза тизими қоидалари ва низомларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш;

замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган Экспертиза тизимини ташкил этишга доир ташкилий ишларни амалга ошириш.

13. Қўйидагилар методик кенгашнинг асосий функциялари ҳисобланади:

саноат хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-техник, ташкилий-методик ва бошқа ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга доир таклифлар киритиш;

ҳар хил ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган саноат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-методик ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

амал қилиш муддати тамом бўлган норматив техник ҳужжатларга тузатиш киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари фаолиятига тегишли бўлган норматив техник ҳужжатларнинг амалга киритишга тайёрлиги бўйича тавсиялар ва асосли хулосалар киритиш;

саноат хавфсизлиги экспертизаси соҳасида ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича Саноат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгашга таклифлар киритиш ва уларни муҳокама қилиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида, шу жумладан Экспертиза тизими соҳасида норматив база ҳисобга олиниши ва долзарблаштирилишини ташкил этиш;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг ходимларини, шунингдек саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

Методик кенгашнинг ишчи органи функциясини «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг «Контехназоратўқув» илмий-техник маркази давлат инспекциясининг тармоқ инспекциялари билан биргаликда бажаради.

14. Қўйидагилар норматив ҳужжатлар билан таъминлаш комиссиясининг асосий функциялари ҳисобланади:

Экспертиза кенгаши қатнашчилари фаолиятининг тартибга солувчи ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

саноат хавфсизлиги, шу жумладан Экспертиза тизими соҳасида ягона, ташкилий ва тармоқ қоидалари ишлаб чиқиши ва қайта кўриб чиқишини ташкил этиш.

15. Қўйидагилар аккредитация қилинган эксперт ташкилотларининг асосий функциялари ҳисобланади:

улар асосида экспертиза ўтказиладиган норматив техник ҳужжатларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танлаш ва улар фондиди юритиш;

хавфли ишлаб чиқариш объекти идентификация қилиниши, экспертиза қилиниши ва декларацияланишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

экспертиза хулосасини расмийлаштириш ва бериш;

берилган эксперт хулосалари реестрларини юритиш;

экспертиза бўйича меҳнат сарфининг ҳисобланган нормативлари ва ишлар қийматини белгилаш.

Эксперт ташкилоти сифатида Экспертиза тизими қоидаларини бажараётган ва тегишли талабларга жавоб берадиган мулкчиликнинг исталган шаклидаги ташкилот аккредитация қилиниши мумкин.

16. Қўйидагилар саноат хавфсизлиги соҳасида аттестациядан ўтказилган экспертларнинг асосий функциялари ҳисобланади:

хавфли ишлаб чиқариш объектини идентификациялаш ва декларациялаш ишларини бажариш;

экспертиза бўйича ишларни бажариш;

экспертиза ўтказишда синовларда қатнашиш;

аккредитация бўйича ваколатли орган — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг топшириғи бўйича эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш, улар фаолияти устидан назорат йўсинида текшириш бўйича комиссияларда қатнашиш.

17. Қуйидагилар хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг асосий функциялари ҳисобланади:

саноат хавфсизлиги соҳасида қонун ҳужжатларидаги, шунингдек норматив техник ҳужжатлардаги талабларга риоя қилиш;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларини тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни таъминлаш;

саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилишини, шунингдек белгиланган муддатларда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида алоҳида ваколатларга эга бўлган махсус ваколатли давлат органи ёки бошқа давлат органларининг белгиланган тартибда тақдим этиладиган кўрсатмаси бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган иншоотлар ва техника қурилмалари диагностикаси, синови, текширилишини таъминлаш;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари идентификацияланишини таъминлаш;


белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги декларацияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авариялар ва нохуш ҳодисалар ҳисобини юритиш.

18. Экспертиза тизими қатнашчиларининг фаолияти улар тўғрисидаги тегишли низомлар билан тартибга солинади.

19. Экспертиза тизими тузилмаси ушбу Низомга иловада келтирилган.

Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Умумий қоидалар

Саноат ишлаб чиқариши соҳаларидаги илмий-техник тараққиёт ривожланишининг сезиларли суръатлари ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг юқори фойдаланиш ишончилигини қўллаб-қувватлаш вазифаларини ҳал этиш зарурлиги назоратнинг путур етказмайдиган усулларини такомиллаштириш ва янада кенг қўллашни талаб этади. Путур етказмайдиган усуллар комплексидан оқилона фойдаланиш маҳсулотнинг ишончилиги ва сифатини ошириш имконини беради, мураккаб агрегатларнинг техноген авариялари ва ҳалокатларининг олдини олади ҳамда ишлаб чиқаришга жуда катта иқтисодий афзаллик беради.

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси путур етказмайдиган назорат соҳасидаги фаолиятни ташкилий-методик ва илмий-техник таъминлашни доимий равишда такомиллаштириб бориш асосида унинг йўналишларини асосли белгилаш, ходимлар малакасини, лабораториялар ваколлатилигини, путур етказмайдиган назоратнинг методик ҳужжатлари ва воситалари техник даражасини ошириш, путур етказмайдиган назорат тизими қоидалари ва тартиб-қоидаларини путур етказмайдиган назорат бўйича жаҳон стандартлари талаблари ва мезонларига уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси путур етказмайдиган назорат соҳасида норматив-ҳуқуқий, норматив ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларининг техник, саноат ва радиацион хавфсизлигини, шу жумладан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, уларнинг мол-мулки, атроф муҳитнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш объектларидан чиқадиغان техноген хавфлардан саноат ва радиация хавфсизлигини таъминлаш бўйича путур етказмайдиган назорат соҳасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, путур етказмайдиган назорат соҳасида техник сиёсат ва муносабатлар масалаларини тартибга соладиган халқаро шартномалар ва битимлар, саноат ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва ҳоказолар ташкил этади.

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш путур етказмайдиган назорат натижаларининг энг кўп даражада самаралилиги ва ишончилигини белгилаб берадиган омил сифатида путур етказмайдиган назоратни ташкил этишга комплекс ёндашиш зарурлиги билан белгиланади.

Маҳсулотларнинг сифати ва ишончилиги даражасини, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган ва ишлатиладиган техник қурилмалар, биналар ва иншоотларнинг фойдаланиш хавфсизлигини ошириш путур етказмайдиган назорат тизимининг мақсади ҳисобланади. Бунга путур етказмайдиган назоратнинг ишончилиги, такрорланиши, қиёсланишини таъминлаш ҳамда саноат ва радиация

хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз вақтида ва муқобил қарорлар қабул қилиш ҳисобига эришилади.

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси путур етказмайдиган назорат тизимининг асосий мақсадлари ва вазифаларини, тузилмасини, шунингдек уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

II. Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясининг асосий вазифалари

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

путур етказмайдиган назорат соҳасидаги фаолиятни ташкилий-методик ва илмий-техник таъминлашни такомиллаштириш;

путур етказмайдиган назорат ходимлари малакасини, лабораторияларининг ваколатлигини, методик ҳужжатлари ва воситаларининг техник даражасини ошириш;

путур етказмайдиган назорат тизимининг қоидалари ва тартиб-қоидаларини путур етказмайдиган назорат бўйича халқаро стандартлар талаблари ва мезонларига уйғунлаштириш;

путур етказмайдиган назорат ходимлари, лабораториялари, методик ҳужжатлари ва воситаларини баҳолаш ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш;

путур етказмайдиган назорат ходимлари, лабораториялари, методик ҳужжатлари, воситалари маълумотлар банкини шакллантириш ва путур етказмайдиган назорат тизимини ахборот билан таъминлаш;

мувофиқликка баҳо бериш ва тасдиқлаш бўйича ташкилий тузилмаларни мақбуллаштириш;

мувофиқликка баҳо бериш ва тасдиқлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

путур етказмайдиган назорат натижалари халқаро эътироф этилиши учун шарт-шароитлар яратиш.

III. Маҳсулот сифатини таъминлашда путур етказмайдиган назоратнинг роли

Путур етказмайдиган назорат маҳсулотнинг ишончлилиги ва сифатини ошириш имконини беради, янги, мураккаброқ ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек янги прогрессив технологик жараёнларни жорий этишга кўмаклашади. Путур етказмайдиган назорат назоратнинг бошқа усулларида фарқ қилган ҳолда назорат қилинадиган туркумда буюмларнинг 100 фоизини қамраб олиши мумкин, шу сабабли ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини текшириш имконини беради, кейинчалик қайта ишлаш учун маҳсулотнинг яроқли қисмини танлаб олиш имконини беради ва ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифатини кафолатлайди.

Технологик жараённинг ҳар хил босқичларида путур етказмайдиган синовларни мунтазам ўтказиш ва ушбу синовлар натижаларини статистик қайта ишлаш нуқсонлар пайдо бўладиган технологик жараёнлар босқичини аниқлаш ва, тегишлича, нуқсоннинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Мураккаб технологик жараён шароитларида тайёр деталлар сифатини қайд этадиган путур етказмайдиган назорат жараёнига тузатиш киритишнинг фаол усу-

лига айланади. Ишлаб чиқариш автоматлаштирилиши шароитларида назоратнинг тузатувчи роли айниқса ошади.

Шундай қилиб путур етказмайдиган назорат усулларидадан оқилона фойдаланилган тақдирда улар технологик жараёни такомиллаштиришнинг самарали воситасига айланиши мумкин.

Путур етказмайдиган назорат операциялари ўзида технологик жараённинг ажралмас ва тенг ҳуқуқли бўғинини ифодалайди. Ушбу операциялар:

буюм сифатини аниқлашга;

буюмларнинг мустаҳкамлигини аниқлашга;

энг яхши конструктив ва технологик ечимга йўналтиришга;

тайёрловчининг маркасини қўллаб-қувватлашга;

бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва хавфсизликни оширишга;

ишлаб чиқариш қийматини пасайтиришга қодир.

IV. Саноат ва радиация хавфсизлигини таъминлашда путур етказмайдиган назоратнинг роли

Потенциал хавфли объектлар — ишлаб чиқариш техникаси ва транспорти, босим остида ишлайдиган идишлар, қувур тармоқлари, электр станциялари, кўприклар, бинолар ва иншоотларнинг таянч конструкциялари, кўтариш қурилмалари, темир йўллар, ионлаштирувчи нурланиш манбалари ва бошқа бир қанча объектларнинг сифати ва хавфсизлигини текширишда путур етказмайдиган назорат алоҳида аҳамият касб этади. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида бинолар, иншоотлар ва техника қурилмаларини тайёрлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, монтаж қилиш, қуриш ва саноат хавфсизлиги экспертизаси сифати, радиация хавфини ўз вақтида аниқлаш билан боғлиқ саноат ва радиация хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида путур етказмайдиган назоратнинг роли ва аҳамияти ўсиши уларнинг техник ҳолати, имконияти ва бундан кейин ишлатиш муддатларини баҳолаш зарурлиги билан белгиланади. Бундай объектларнинг вақти-вақти билан ўтказиладиган ишончли путур етказмайдиган назорати уларнинг хизмат қилиш муддатини узайтириш ва, асосийси, техноген авариялар ва ҳалокатлар эҳтимолининг олдини олиш имконини беради.

Техника қурилмалари, бинолар ва иншоотлар параметрларининг четга чиқиш эҳтимолининг, шу жумладан бунинг оқибатида иш тўхтаб қоладиган йўл қўйиладиган доирасида четга чиқишларини прогнозлаштириш учун уларнинг ҳолатини тавсифлайдиган белгиларни аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек нормал иш режими бузилишининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида улар ҳолатини экспериментал аниқлаш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ишлаб чиқариш циклидаги муҳим ва зарур босқич ҳисобланади ҳамда техник диагностика деб аталади. Путур етказмайдиган назоратга асосланган техник диагностика усуллари техника қурилмалари, бинолар ва иншоотлар иш қобилияти ва хавфсизлигини назорат қилиш жараёнларини оқилона ташкил этиш учун қўлланилади.

Техник диагностика иш шароитларида конструкциялар, механизмлар ва элементларнинг техник ҳолати параметрларини тадқиқ этиш, шунингдек нормал ишлатиш шароитларида ва табиат ҳодисалари ёки (иншоотни) лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва ишлатишдаги ташкилий хатолар билан белгиланадиган хавфли иш режимларида уларнинг иш қобилияти ва ишончилигини прогнозлаштириш имконини беради.

Путур етказмайдиган назорат тизими хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган ва ишлатиладиган техника қурилмалари, бинолар ва иншоотлардан

фойдаланиш хавфсизлиги даражасини оширишда муҳим бўгин, ташкил этилиши «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишнинг йўналишларидан бири ҳисобланган Sanoat хавфсизлиги экспертизаси тизимининг инструментал ишончли исботловчи базасини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

V. Путур етказмайдиган назорат тизимини қуриш

Путур етказмайдиган назорат путур етказмайдиган назорат воситаларини қўллаш билан боғлиқ sanoat хавфсизлиги экспертизаси учун исботловчи база ҳисобланади.

Давлат даражасида амал қиладиган ҳамда путур етказмайдиган назорат соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун ташкилий, техник ва норматив-ҳуқуқий базага эга бўлган тизим Путур етказмайдиган назорат тизими ҳисобланади. Путур етказмайдиган тизим лабораториялари ва уларнинг ходимлари, методик ҳужжатлари ва воситалари путур етказмайдиган тизим субъектлари ҳисобланади.

Қуйидагилар путур етказмайдиган назорат тизимининг асосий қатнашчилари ҳисобланади:

«Ўзстандарт» агентлиги — «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ путур етказмайдиган назорат соҳасида путур етказмайдиган назоратни метрологик таъминлаш, давлат метрология назорати ва текшируви бўйича фаолиятнинг давлат бошқарувни амалга оширадиган метрология бўйича миллий орган;

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси — sanoat хавфсизлиги соҳасида хавфли ишлаб чиқариш ва радиация-хавфли объектларда путур етказмайдиган назоратни амалга оширишнинг мажбурий меъёрлари ва қоидаларини белгилайдиган, путур етказмайдиган назорат лабораторияларига хавфли ишлаб чиқариш объектларида путур етказмайдиган назорат ишларини бажаришга рухсатномалар берадиган махсус ваколатли давлат органи;

«Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг топшириғи бўйича sanoat ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасида путур етказмайдиган назорат тизими қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштирадиган мувофиқлаштирувчи орган;

путур етказмайдиган назоратнинг аккредитация қилинган лабораториялари;

путур етказмайдиган назорат соҳасида мутахассисларни ўқитадиган аккредитация қилинган ўқув марказлари (ЎҚ);

путур етказмайдиган назорат соҳасида мутахассислардан малака имтиҳонлари оладиган аккредитация қилинган имтиҳон марказлари (ИМ);

путур етказмайдиган назорат ходимлари сертификацияси бўйича аккредитация қилинган орган;

путур етказмайдиган назоратнинг сертификацияланган ходимлари;

Ўз фаолиятида путур етказмайдиган назорат воситаларидан фойдаланадиган ташкилотлар.

Путур етказмайдиган назорат тизими қатнашчиларининг фаолияти улар тўғрисидаги тегишли низомлар билан белгиланади.

Путур етказмайдиган назорат тизими тузилмаси иловада келтирилган.

VI. Путур етказмайдиган назорат тизимини бошқариш

Путур етказмайдиган назорат тизимини бошқариш халқаро, давлатлараро ва миллий норматив ҳужжатларнинг асосий қоидалари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбе-

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб амалга оширилиши ҳамда илғор илмий-техник ишланмаларга ва саноат корхоналарининг ижобий тажрибасига асосланиши керак.

Путур етказмайдиган назорат тизимини бошқариш:

путур етказмайдиган назорат соҳасида ходимларни;

путур етказмайдиган назорат лабораторияларини;

путур етказмайдиган назорат бўйича методик ҳужжатларни;

путур етказмайдиган назорат воситаларини баҳолашга ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқлашга асосланган.

Баҳолаш ва мувофиқликни тасдиқлашнинг асосий ташкилий-техник принциплари саноат назоратининг барча турлари ва путур етказмайдиган назорат соҳасида фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар учун мажбурий бўлган бир хилдаги ва бир маънодаги норматив ҳужжатларда баён қилиниши керак.

VII. Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) Путур етказмайдиган назорат тизимида қўйидагиларни:

путур етказмайдиган назорат соҳасида ходимларни;

путур етказмайдиган назорат лабораторияларини;

путур етказмайдиган назорат бўйича методик ҳужжатларни;

путур етказмайдиган назорат воситаларини баҳолаш ва уларнинг мувофиқлигини тасдиқлашнинг ягона талабларини ишлаб чиқиш.

2) Путур етказмайдиган назорат соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

3) Путур етказмайдиган назорат тизими ҳар бир функционал элементини аккредитация қилиш ва улар фаолиятини вақти-вақти билан назорат йўсинида текшириш.

VIII. Путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари


Қўйидагилар путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари ҳисобланади:

1) Путур етказмайдиган назорат тизимининг зарур норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек хавфсизлик қоидалари ҳамда «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўзстандарт» агентлигининг бошқа ҳужжатлари долзарблаштирилишини назарда тутадиган ташкилий тузилмасини ташкил этиш;

2) Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизимини, шу жумладан путур етказмайдиган назорат тизимини шакллантириш ва жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

3) Путур етказмайдиган назорат тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Путур етказмайдиган назорат тизими ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
4-ИЛОВА

Хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хавфсизлик чора-тадбирларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги аварияларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирларнинг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш қўйидагиларни назарда тутати:

авария хавфини ва унинг билан боғлиқ хавф-хатарни ҳар томонлама баҳолаш;

аварияларнинг олдини олиш, саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектининг фойдаланишга тайёрлигини таъминлаш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарлилигини таҳлил қилиш, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектидаги аварияларни локализация қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш;

хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авариялар оқибатлари кўламини ва содир бўлган тақдирда етказилган зарар миқдорини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Декларация хавфли ишлаб чиқариш объекти хавфсизлигини уни ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва уни фойдаланишдан чиқариш босқичларида тавсифлаши керак.

3. Ушбу Низомда қўлланадиган терминлар ва тушунчалар:

авария — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши;

хавф таҳлили — хавфларни аниқлаш (идентификациялаш) ва баҳолаш жараёни;

хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларацияси — авария хавфини ҳар томонлама баҳолаш натижалари, аварияларнинг олдини олиш ва саноат хавфсизлиги меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектининг фойдаланишга тайёрлиги ташкил этилишини таъминлаш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарлилиги таҳлили, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария оқибатларини локализация қилиш ва бартараф этиш натижалари кўрсатилган ҳужжат;

хавфли модда — ўзининг физик, кимёвий, биологик ёки токсикологик хоссаларига кўра одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун, шунингдек атроф табиий муҳит учун хавф туғдирадиган модда;

хавфли ишлаб чиқариш объекти — қўйидаги хавфли моддалар:

1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;

тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даража-

сига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;

муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларида) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари;

саноат хавфсизлиги — хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан шахс ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳимояланганлиги ҳолати;

саноат хавфсизлиги декларациясига ҳисоб-китоб-тушунтириш хати — авария хавфининг асосли баҳоси ва аварияларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарлилигини асословчи материаллар келтирилган ҳужжат;

авария сценарийси — аниқ хавфли оқибатларга сабаб бўлувчи аварияларга олиб келадиган, аниқ ташкил этиладиган воқеа сабаб бўладиган алоҳида мантиқан боғлиқ воқеаларнинг изчиллиги;

саноат хавфсизлиги экспертизаси — экспертиза объектнинг унга қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

хавфли ишлаб чиқариш объектнинг саноат хавфсизлиги декларацияси экспертизаси (кейинги ўринларда декларация экспертизаси деб аталади) — натижаси саноат хавфсизлиги декларацияси ҳисобланадиган саноат хавфсизлиги декларациясининг саноат хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлигини баҳолаш;

эксперт ташкилоти — белгиланган тартибга мувофиқ экспертиза ўтказиш ҳуқуқи юзасидан аккредитацияга эга бўлган ташкилот.

II. Хавфсизлиги декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектлари

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларининг биринчи типига мувофиқ бўлган лойиҳаланаётган ва фаолият кўрсатаётган хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлигини мажбурий декларациялашга тегишли бўлади.

Бошқа хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини декларациялаш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

5. Мажбурий декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланувчи

ташкилот, шунингдек саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш юзасидан аккредитацияга эга бўлган эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

6. Мажбурий декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш объекти идентификация қилинган тақдирда ташкилот раҳбари ушбу объект тўғрисидаги маълумотларни фавқулодда вазиятлар бўйича тегишли ҳудудий бошқармага ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг минтақавий органларига, юқори ташкилотга, вазирлик ёки идорага (мавжуд бўлганда) ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органига тақдим этади. Маълумотлар ушбу Низомга 1-иловада келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилади.

7. Фавқулодда вазиятлар бўйича ҳудудий бошқармалар ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг минтақавий органлари ҳар йили ўзларининг марказий аппаратларига, хавфсизлиги мажбурий декларацияланадиган хавфли ишлаб чиқариш объектлари рўйхатига киритиш учун умумлаштирилган ахборот тақдим этадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ўзларининг бўлинмалари томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда хавфсизлиги мажбурий декларацияланадиган хавфли ишлаб чиқариш объектлари рўйхатини шакллантирадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар.

III. Саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш

9. Фаолият кўрсатаётган хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларацияси ушбу объектдан фойдаланаётган ташкилот томонидан мустақил равишда ёки хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш юзасидан аккредитацияга эга бўлган ташкилот билан тузилган шартнома асосида ишлаб чиқилади.

10. Лойиҳалаштириладиган хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жихатдан қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатиш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқилади.

11. Ташкилот таркибида мажбурий декларацияланиши керак бўлган бир нечта хавфли ишлаб чиқариш объектлари мавжуд бўлган тақдирда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги ягона декларациясини ишлаб чиқишга ва расмийлаштиришга йўл қўйилади.

12. Саноат хавфсизлиги декларацияси хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият учун лицензия олиш юзасидан мурожаат қилинганда, саноат хавфсизлиги декларациясидаги мавжуд маълумотлар ўзгартирилганда ёки саноат хавфсизлиги талаблари ўзгартирилган тақдирда аниқлаштирилади ёки янгидан ишлаб чиқилади.

13. Фаолият кўрсатаётган объект учун декларацияни ишлаб чиқишда саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш бўйича маълумотлар таркибига ҳам бажарилган, ҳам режалаштириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот киритилади. Декларацияни ишлаб чиқишда лойиҳа ҳужжатлари таркибида режалаштириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

14. Саноат хавфсизлиги декларацияси тузилишига қўйиладиган талаблар ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

15. Лойихалаштирилаётган хавfli ишлаб чиқариш объекти учун саноат хавфсизлиги декларацияси лойиҳа буюртмачиси томонидан тасдиқланади.

16. Фаолият кўрсатаётган хавfli ишлаб чиқариш объекти декларацияси ушбу объектдан фойдаланаётган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Саноат хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаган шахс унда кўрсатилган ахборотнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

17. Саноат хавфсизлиги декларацияси белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак.

18. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган декларация ва унга иловалар буюртмачи томонидан эксперт ташкилотига шартнома асосида тақдим этилади.

19. Хавfli ишлаб чиқариш объектдан фойдаланаётган ташкилот раҳбари:

а) саноат хавфсизлиги декларациясини фавқулодда вазиятлар бўйича тегишли ҳудудий бошқармага, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг минтақавий органига, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига ва декларация қилинаётган хавfli ишлаб чиқариш объекти жойлашган ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органига тақдим этади. Декларация жузлаб таҳланган ҳолда ва эксперт хулосалари билан бирга тақдим этилади;

б) расмий вакилларнинг декларациядан фойдалана олишини таъминлайди.

20. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси хавфсизлик жиҳатидан декларация қилиниши керак бўлган саноат объектлари тўғрисидаги электрон маълумотлар банкларини юри-тадилар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хавфсизликни декларациялаш тартиб-қондаси бажарилишини таҳлил қиладилар.

IV. Саноат хавфсизлиги декларациясини қайта кўриб чиқиш

21. Саноат хавфсизлиги декларацияси:

1) саноат хавфсизлигини, аварияларни локализация қилиш ва авария оқибатларини бартараф этишни таъминлашга таъсир кўрсатадиган шароитлар ўзгарганда кечи билан 1 йил муддатда;

2) саноат хавфсизлиги, аварияларни локализация қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги амалда бўлган талаблар (қоидалар ва меъёрлар) ўзгарганда кечи билан 1 йил муддатда;

3) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг қўшма қарори қабул қилинганда ушбу қарорларда назарда тутилган муддатларда қайта кўриб чиқилиши керак.

22. Саноат хавфсизлиги декларацияси 5 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши керак.

+

Ўзбекистон Республикасида хавfli ишлаб
чиқариш объектнинг саноат хавфсизлиги
декларациясини ишлаб чиқиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

50 (342)-сон

**Саноат хавфсизлиги декларацияланадиган хавfli ишлаб
чиқариш объектлари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Ташкилотнинг тўлиқ номи	Ташкилотнинг тўлиқ почта манзили, телефони, факси	Юқори ташкилот (идора), мавжуд бўлса	Объектнинг тўлиқ номи	Объектнинг жойлашган жойи	«Хавfli ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 4-моддасига муво- фиқ объектнинг хавfli- лик белгилари	Хавфсизлик декларацияланган йил
1	2	3	4	5	6	7

— 35 —

496-модда

Ўзбекистон Республикасида хавфли ишлаб
чиқариш объектининг sanoat хавфсизлиги
декларациясини ишлаб чиқиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Саноат хавфсизлиги декларацияси тузилишига ТАЛАБЛАР

1. Декларация қуйидаги таркибий элементларни ўз ичига олади:
титул варақ;
декларацияни ишлаб чиққан ташкилот тўғрисидаги маълумотлар;
мундарижа;
1-бўлим «Умумий маълумотлар»;
2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили натижалари»;
3-бўлим «Саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш»;
4-бўлим «Хулосалар»;
5-бўлим «Вазият режаси».

Декларацияга иловалар қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1-илова «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»;
- 2-илова «Ахборотнома».

1.1. Титул варақ декларациянинг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қидириш учун зарур бўлган ахборотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Титул варақда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- а) декларация қилинаётган объектдан фойдаланувчи ташкилотнинг раҳбари ёки лойиҳанинг буюртмачиси томонидан декларацияни тасдиқлаш грифи;
- б) таркибига декларацияланадиган объект кирадиган ташкилот томонидан белгиланадиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;
- в) белгиланган тартибда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;
- г) декларацияланаётган объектнинг (битта объект декларацияланган тақдирда) ёки декларацияланаётган объектларнинг (бир нечта объект декларацияланган тақдирда) аниқ номи кўрсатилган ҳолда декларациянинг номи, шунингдек ташкилотнинг номи;
- д) декларацияланаётган объектнинг хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестридаги рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;
- е) декларацияланаётган объектнинг жойлашган жойи ва декларация тасдиқланган йил.

1.2. Декларацияни ишлаб чиққан ташкилот тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлади:

а) декларацияни ишлаб чиққан ташкилотнинг номи ва унга иловалар, унинг почта манзили, телефони, факси, sanoat хавфсизлигини декларациялаш билан боғлиқ фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия ва/ёки рухсатнома тўғрисидаги маълумотлар, уларда фаолият турининг номи, лицензиянинг рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами ва берилган санаси кўрсатилади;

б) бажарувчиларнинг рўйхати, унда декларацияни ишлаб чиқишда қатнашган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими ва иш жойи кўрсатилади.

1.3. Мундарижада декларациянинг барча бўлимлари номи, ушбу элементлар бошланадиган саҳифалар кўрсатилади:

1.4. 1-бўлим «Умумий маълумотлар» қуйидагилардан иборат бўлади:

а) ташкилотнинг реквизитлари (ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, юқори органнинг, вазирлик ёки идоранинг, компания, концерннинг (улар мавжуд бўлса) номи, уларда ташкилот раҳбарларининг манзили, телефони, фамилияси ва лавозими, ташкилотнинг тўлиқ почта манзили, телефони, факси ва телетайпи, ташкилот фаолиятининг декларацияланаётган объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган асосий йўналишларининг қисқача рўйхати);

б) декларациялашнинг асосланиши (хавфли ишлаб чиқариш объектининг декларацияланаётган объектларга тегишлилигига асос бўлган хавфли моддалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар, декларацияни ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига асос бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати);

в) жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объект жойлашадиган жой тавсифи, ҳудуднинг ҳажми ва чегаралари, декларация қилинаётган объектнинг санитария-ҳимоя ва/ёки қўриқланадиган зоналари тўғрисидаги маълумотлар);

г) ходимлар ва аҳоли тўғрисидаги маълумотлар (декларация қилинаётган объект ходимларининг умумий сони ва энг кўп ишлайдиган сменасининг сони, энг юқори даражадаги гипотетик авариянинг шикастловчи омиллари таъсир кўрсатадиган зоналарда бўлиши мумкин бўлган яқин-атрофдаги йирик ташкилотлар ва аҳоли пунктлари рўйхати, унда ходимлар ва аҳоли сони кўрсатилади);

д) фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун кўрсатиладиган суғурта маълумотлари (суғурталовчи ташкилотнинг номи ва манзили, шунингдек унинг суғурта лицензиялари тўғрисидаги маълумотлар, суғурта суммаси миқдори кўрсатилган ҳолда суғурта шартномалари рўйхати).

1.5. 2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили натижалари» қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) декларация қилинаётган объектни идентификация қилишда ҳисобга олинadиган хавфли моддалар тўғрисидаги маълумотлар (хавфли модданинг номи, модданинг хавфлилики даражаси ва одам организмига таъсир кўрсатиш характери);

б) технологиялар тўғрисидаги маълумотлар (асосий технологик потоклар схемаси, у блок-схемадан иборат бўлади, схемада хавфли моддаларнинг номлари ва уларнинг декларацияланаётган объектнинг технологик тизимида кўчиш йўналишлари кўрсатилади, шунингдек хавфли моддаларнинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда техник қурилмаларда — аппаратларда (идишларда), қувурларда бўладиган хавфли моддаларнинг умумий миқдори тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади, уларнинг битта идишдаги ёки энг юқори сифимли қувур участкасидаги энг юқори миқдори кўрсатилади. Маълумотлар декларацияланадиган объектнинг барча таркиблари учун хавфли модданинг энг юқори регламентли миқдорлари бўйича кўрсатилади);

в) хавф таҳлилининг асосий натижалари (авариялар келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитлари таҳлили натижалари, авариялар хавфини баҳолаш натижалари).

Аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитлари таҳлили натижалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) авариялар омиллари ва уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига қўмаклашадиган асосий сабаблар рўйхати;

2) энг катта ва содир бўлиши мумкин бўлган авариялар сценарийларининг қисқача тавсифи.

Авариялар хавфини баҳолаш натижалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- 1) хавфни баҳолашда қўлланадиган ҳисоб-китоб моделлари ва методлари рўйхати;
- 2) аварияда қатнашадиган хавфли моддалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) шикастловчи омиллар таъсир кўрсатиши мумкин бўлган зоналар сони тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) жабрланиши мумкин бўлганлар сони тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) етказилиши мумкин бўлган зарар тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) ходимларга, аҳолига зарар етказилиши мумкин бўлган ҳамда мол-мулкка ва атроф табиий муҳитга етказиладиган зиён тўғрисидаги маълумотлар.

1.6. 3-бўлим «Саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш» қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) декларацияланаётган объектдан фойдаланишга саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар (фаолият кўрсатаётган объектлар учун «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси органлари фармойишлари ва кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар, декларацияланаётган объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолият турлари учун мавжуд ва/ёки зарур лицензиялар рўйхати, ходимларни касб бўйича ва аварияга қарши ҳаракат қилишга тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар, уларда саноат хавфсизлиги соҳасидаги билимларни текширишнинг мунтазамлиги ва ходимни ишга киритиш тартиби кўрсатилади; саноат хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини ишлаб чиқаришда назорат қилиш тизими тўғрисидаги маълумотлар, авария ҳолатларини тўплаш ва таҳлил қилиш тизими тўғрисидаги маълумотлар, саноат хавфсизлигининг ўтказилган экспертизалари рўйхати, унда экспертизани ўтказган эксперт ташкилотларининг ва экспертиза объектининг номи кўрсатилади; ишлаб турган объектдан фойдаланиш шарт-шароитларининг меъёр ва қоидалар талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар;

б) авария оқибатларини локализация қилиш ва бартараф этиш бўйича ҳаракатларга тайёргарлик юзасидан саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объектдаги авария оқибатларини локализация қилиш ва бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар, саноат хавфсизлигини таъминлаш бўйича аварияга қарши кучларнинг, авария-қутқарув хизматлари ва бошқа хизматларнинг таркиби, декларацияланаётган объектдаги авария оқибатларини локализация қилиш ва бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар, декларацияланаётган объектда авария вужудга келган тақдирда хабар қилиш тизими тўғрисидаги маълумотлар, унда хабар қилиш схемалари ва авариялар содир бўлгандаги ҳаракатлар тартиби кўрсатилади).

1.7. 4-бўлим «Хулосалар» қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) хавфсизлик даражасининг умумлаштирилган баҳоси, унда декларацияланаётган объектнинг энг юқори хавфли таркиблари ва хавф кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган энг аҳамиятли омиллар кўрсатилади;

б) авария хавфини камайтиришга йўналтирилган режалаштириладиган чоратадбирлар рўйхати.

1.8. «Вазият режаси» номли 5-бўлим ўз оқибатларига кўра энг хавфли ва декларацияланаётган объектдаги аварияларнинг энг юқори даражада бўлиши мумкин бўлган (намунавий) сценарийлари учун шикастланиши мумкин бўлган энг кўп зоналарнинг график тасвиридан иборат бўлиши керак.

«Вазият режаси»да масштаб ҳисобида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

а) декларацияланаётган объектнинг саноат майдони (худуди) ва санитария-химоя зонасининг чегараси;

б) корхоналар, аҳоли пунктлари, одамлар кўп тўпланадиган жойлар;

в) аварияларнинг шикастловчи омиллари таъсир кўрсатадиган зоналар.

2. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати» номли 1-илова қуйидаги таркибда бўлади: титул варақ;

мундарижа;

бажарувчилар рўйхати;

1-бўлим «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;

2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили»;

3-бўлим «Хулосалар ва таклифлар»;

4-бўлим «Вазиятлар режалари»;

«Фойдаланилган манбалар рўйхати».

2.1. Титул варақ декларациянинг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қидириш учун зарур бўлган ахборотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Титул варақда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиққан ташкилотнинг раҳбари томонидан ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини тасдиқлаш грифи;

б) «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (у декларацияга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамига мувофиқ бўлиши керак);

в) декларацияга ҳисоб-китоб-тушунтириш хатининг номи, унда декларацияланаётган (битта объект декларацияланган тақдирда) ёки декларация қилинаётган объектларнинг (бир нечта объект декларацияланган тақдирда) аниқ номи кўрсатилади, шунингдек таркибига ушбу объект кирадиган ташкилотнинг номи;

г) декларацияланаётган объектнинг хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестридаги рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;

д) дафтарнинг тартиб рақами (ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ва ундан кўп дафтардан иборат бўлган тақдирда);

е) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиққан ташкилотнинг жойлашган жойи ва унинг тасдиқланган йили.

Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда ҳар қайси дафтар биринчи дафтарнинг саҳифасига ва мавжуд маълумотларга мувофиқ бўлган ушбу дафтарга тегишли титул вараққа эга бўлиши керак.

2.2. Бажарувчиларнинг рўйхати.

Бажарувчиларнинг рўйхатида масъул бажарувчиларнинг ва ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқишда қатнашган биргаликдаги бажарувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими ва иш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

2.3. Мундарижа.

Мундарижада ҳисоб-китоб-тушунтириш хати барча бўлимларининг номи, ушбу элементлар бошланадиган саҳифалар кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ва ундан кўп дафтардан иборат бўлган тақдирда уларнинг ҳар бирида ўз мундарижаси бўлиши керак. Биринчи дафтарнинг мундарижасида бутун ҳужжатларнинг мазмуни келтирилган бўлиши керак, унда саҳифалар ва дафтарларнинг тартиб рақамлари, кейинги дафтарларда — фақат тегишли дафтарнинг мазмуни кўрсатилади.

2.4. 1-бўлим «Ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар»да қуйидагилар бўлиши керак:

- а) декларацияланаётган объектнинг таркибий рўйхати;
- б) декларацияланаётган объектнинг топографияси ва жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объект жойлашган районнинг топографияси тўғрисидаги маълумотлар, декларацияланаётган объектнинг тақиқланган, қўриқланаётган ва санитария-ҳимоя зоналарининг мавжудлиги ва чегаралари, декларацияланаётган объект жойлашган райондаги табиий-иқлим шароитлари, лойиҳада қурилиш майдонининг сейсмик райони қисмидаги қидирувлар бўйича ҳисоботлардан фойдаланилиши, грунтлар, табиий-иқлим ва бошқа ташқи таъсирлар тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар) (лойиҳалаш ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқиладиган декларация учун расмийлаштирилади);
- в) ходимлар ва яқин атрофда яшайдиган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объектнинг унинг маъмурий бирликлари ва таркиблари бўйича ходимларнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда ходимларнинг ўртача сони ва энг кўп ишлайдиган сменалар сони кўрсатилади; энг юқори даражадаги гипотетик авариянинг шикастловчи омиллари таъсиридаги зоналарда бўлиши мумкин бўлган яқин атрофдаги ташкилотларнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда декларацияланаётган объектдан узоқдалик ва ходимларнинг сони кўрсатилади; энг юқори даражадаги гипотетик авариянинг шикастловчи омиллари таъсиридаги зоналарда бўлиши мумкин бўлган аҳоли пунктларининг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда декларацияланаётган объектдан узоқдалик ва ходимларнинг сони кўрсатилади. Декларацияланаётган объектнинг таркибий рўйхати хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш соҳасида амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак).

2.5. «Хавфсизлик таҳлили» номли 2-бўлимда қуйидагилар бўлиши керак:

- а) хавфли моддаларнинг тавсифи (моддалар, формула, таркибнинг номи, умумий маълумотлар (молекуляр оғирлик, қайнаш ҳарорати, зичлик) портлаш хавфи тўғрисидаги маълумотлар, токсик хавфлилик тўғрисидаги маълумотлар, реакция бериш қобилияти тўғрисидаги маълумотлар, модданинг ҳиди тўғрисидаги маълумотлар, коррозия фаоллиги тўғрисидаги маълумотлар, эҳтиёт чоралари тавсифи, одамларга кўрсатадиган таъсири тўғрисидаги маълумотлар, ҳимоя қилиш воситалари тўғрисидаги маълумотлар, моддани зарарсиз ҳолатга ўтказиш усуллари тўғрисидаги маълумотлар, модда таъсир кўрсатган тақдирда шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисидаги маълумотлар);
- б) технологиялар ва аппаратни расмийлаштириш тўғрисидаги маълумотлар (уларда принципиал технологик схема, асосий технологик асбоб-ускуналар ва декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича технологик жараённинг қисқача тавсифи, хавфли моддалар декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича айланадиган асосий технологик асбоб-ускуналарнинг жойлашиш режаси, хавфли моддалар айланадиган асосий технологик асбоб-ускуналарнинг рўйхати, хавфли моддаларнинг асбоб-ускуналар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади);
- в) хавфсизликни таъминлаш бўйича техник ечимларнинг тавсифи (асбоб-ускуналарнинг сийракланишига йўл қўймасликка ва хавфли моддаларнинг авария вақтида ташқарига чиқишининг олдини олишга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, авариялар ривожланишининг олдини олишга ва хавфли моддаларнинг ташқарига чиқишини локализация қилишга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, портлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, автоматик равишда тартибга солиш, блокировка қилиш, сигнализациялар ва бошқа хавфсизликни таъминлаш воситалари тизимларининг тавсифи);

г) хавфнинг таҳлили (маълум авариялар таҳлили, аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитларининг таҳлили, авариялар хавфини баҳолаш).

Маълум авариялар таҳлилида қуйидагилар бўлиши керак:

1) авариялар ва декларацияланаётган объектда мавжуд бўлган носозликлар рўйхати (фақат фаолият кўрсатаётган объектлар учун расмийлаштирилади);

2) бошқа шунга ўхшаш объектларда мавжуд бўлган авариялар ёки айланаётган хавфли моддалар билан боғлиқ авариялар рўйхати;

3) содир бўлган аварияларнинг асосий сабаблари таҳлили.

Аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитларининг таҳлили қуйидагилардан иборат бўлади:

1) аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига кўмаклашувчи бўлиши мумкин бўлган сабаблар ва омилларни аниқлаш;

2) содир бўлиши мумкин бўлган аварияларнинг намунавий сценарийларини аниқлаш;

3) ҳисоб-китоб қилишнинг қўлланадиган физик-математик моделлари ва усулларини асослаш;

4) аварияда қатнашувчи хавфли моддалар миқдорини баҳолаш;

5) шикастловчи омиллар таъсирида бўлиши мумкин бўлган зоналар ҳисоб-китоби;

6) жабрланганларнинг бўлиши мумкин бўлган сонини баҳолаш;

7) бўлиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш.

Авариялар хавфини баҳолаш ходимга, аҳолига етказилган зарарнинг муқаррарлигини ҳамда мол-мулкка ва атроф табиий муҳитга етказилган зиённи баҳолашдан иборат бўлади.

2.6. 3-бўлим «Хулосалар ва таклифлар» қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а) декларацияланаётган объектнинг энг хавфли таркиблари рўйхати;

б) хавф кўрсаткичларига таъсир қилувчи энг аҳамиятли омиллар рўйхати;

в) хавфли ишлаб чиқариш объектининг хавфсизлик даражасини баҳолаш;

г) авариялар хавфини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни жорий этиш бўйича таклифлар.

2.7. 4-бўлим «Вазият режалари»да декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича авариянинг мумкин бўлган ва энг юқори даражадаги муқаррар (намунавий) сценарийси зоналарининг график тасвири, шунингдек жойлашиш зоналарини ҳисоб-китоб қилиш учун бошланғич маълумотлар кўрсатилган ҳолда ушбу сценарийларнинг қисқача тавсифи бўлиши керак.

Вазият режаларида масштаб ҳисобида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) декларацияланаётган объектнинг саноат майдони (худуди);

б) ташкилотлар, аҳоли пунктлари, одамлар кўп тўпланадиган жойлар;

в) аварияларнинг шикастловчи омиллари таъсир кўрсатадиган зоналар.

2.8. «Фойдаланилган манбалар рўйхати»да қуйидагилар бўлиши керак:

а) декларацияланаётган объектдаги саноат хавфсизлиги талабларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

б) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган ташкилот ҳужжатлари рўйхати;

в) адабиётлар манбалари рўйхати.

2.9. «Ахборот варағи» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш объекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда бериш учун хизмат қилади.

«Ахборот варағи»да қуйидагилар бўлиши керак:

- а) таркибига декларацияланадиган объект кирадиган ташкилотнинг номи;
- б) хабардор қилиш ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар (лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми, телефони);
- в) декларацияланаётган объектдан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг қисқача тавсифи;
- г) декларацияланаётган объектда айланадиган хавфли моддаларнинг рўйхати ва асосий тавсифлари;
- д) содир бўлиши мумкин бўлган авариялар кўламлари ва оқибатлари ҳамда хавфсизлик чоралари тўғрисидаги қисқача маълумотлар;
- е) авариялар содир бўлган тақдирда аҳолини хабардор қилиш усуллари ва уларнинг зарур ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари-га мувофиқ фаолияти хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи билан боғлиқ бўлган ташкилотлар, хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
суғурта ҳодисаси — хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти;

авария — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техника қурилмаларининг бузилиши, суғурта шартномаси амал қиладиган даврда рўй берган назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси — ушбу Низомда назарда тутилган суғурта ҳолати юз берганда суғурталовчи шартномада белгиланган тўловни (суғурта мукофотини) жабрланганга ушбу суғурта ҳолати оқибатида етказилган зарарни суғурта шартномасида

белгиланган суғурта суммаси миқдорида тўлаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

суғурта ҳолати тўғрисидаги далолатнома — суғурта ҳолати юз берган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурталанувчи ёки унинг вакили иштирокида тузилдиган ҳужжат, у авария содир бўлган вақт, жой ва унинг сабаби тўғрисидаги ахборотлардан, бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори, шунингдек зарарни қайтариш мақсадида суғурталанувчи томонидан қилинган харажатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади;

3. Махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган лицензияга мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга ҳақли бўлган суғурта ташкилотлари суғурталовчилар бўлиши мумкин.

4. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар суғурталанувчилар бўлиши мумкин.

5. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига, атроф муҳитга зарар етказганлик учун даъво билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (жисмоний шахс, юридик шахс ёки давлат) бошқа шахслар ҳисобланадилар.

II. Мажбурий суғурта қилиш объектлари

6. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарарни фойдаланувчи-суғурта қилинувчи томонидан қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган суғурталанувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

7. Суғурталанувчининг қўйидагилар оқибатида пайдо бўлган фуқаролик жавобгарлиги суғурта ҳолати деб эътироф этилмайди:

а) ядровий портлаш, радиация, радиоактив зарарланиш, агар улар ушбу ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

б) ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, қуролли тузилмалар ёки террорчиларнинг ҳаракатлари;

в) оммавий тартибсизликлар, бошқа фуқаролар бўйсунмаслигининг жамоавий ҳолатлари, иш ташлашлар;

г) енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг таъсири: табиий офатлар, стихияли тусдаги табиат ҳодисалари;

д) хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши;

е) қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

III. Суғурта суммаси

8. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта қилишнинг энг кам миқдори хавфли ишлаб чиқариш объектнинг тегишли тури учун ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

IV. Суғурта мукофоти

9. Суғура мукофоти суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкаларидан ва шартномада белгиланган суғурта суммаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

10. Тариф ставкалари ишлаб чиқариш шароитлари ва ҳажмларини, хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган жойни, ундан фойдаланишнинг бошқа омилларини, объектда хавфли моддаларни муайян ҳажмларда олиш, ундан фойдаланиш, уни қайта ишлаш ва сақлашни, суғурта таваккалчилиги даражасини ва суғурта объектининг бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғурталовчи томонидан белгиланади.

11. Суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчи суғурта мукофотини бир-йўла ёки тенг қисмлар билан ҳар чоракда (суғурта бадаллари) тўлайди.

V. Суғурта шартномаси

12. Суғурта шартномаси суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан белгиланган шаклга мувофиқ расмийлаштирилган ёзма аризаси асосида расмийлаштирилади. Суғурталанувчи аризада суғурталовчи томонидан қўйилган масалаларга мувофиқ аниқ ва тўлиқ маълумотларни кўрсатиши шарт.

Суғурта тўғрисидаги аризага суғурталанувчи, жумладан, саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи талабларидан, суғурталанувчи томонидан фойдаланиладиган хавфли ишлаб чиқариш объектининг идентификациясидан иборат бўлган саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасини илова қилади.

13. Суғурталанувчи суғурта шартномасини тузиш учун тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавоб беради.

VI. Суғурталовчи ва суғурталанувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта шартномасини тузишда суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш мақсадида ўз ҳисобидан суғурта объектининг мустақил экспертизасини амалга ошириш;

б) шартнома тузишда ва суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта таваккалчилигини баҳолаш;

в) етказилган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида қўшимча текширишлар ўтказиш;

г) ваколатли органлардан зарар етказилганлиги сабабли авариянинг техник жиҳатдан текшириш материалларини, ахборот ва ҳужжатларни, тиббий хулосаларни, йўқотилган (шикастланган) мол-мулк қиймати, амалга оширилган ишлар қиймати тўғрисида фикрга эга бўлиш имконини берадиган счётларни, шунингдек бошқа зарур материалларни сўраш ва олиш;

д) суғурталанувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг суғурталанувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;

е) суғурталанувчидан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини талаб қилиш.

15. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурталанувчи томонидан суғурта ходисаси бошланиши таваккалчилигини

камайтириш тадбирлари амалга оширилган тақдирда, суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш даражасини ҳисобга олган ҳолда суғурталанувчининг аризаси бўйича суғурта шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш;

б) зарарларни камайтириш мақсадида суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан қопланиши керак бўлган харажатларини тўлаш, агар бундай харажатлар суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган бўлса ёки амалга оширилган бўлса. Кўрсатиб ўтилган харажатларни тўлаш суғурталовчи томонидан у тегишли харажатлар тўғрисидаги далолатномани олган санадан бошлаб бир ой мобайнида, бироқ суғурта тўлови (суғурта суммаси) тўлангандан кейин амалга оширилади. Бундай харажатлар, ҳатто агар тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлганда ҳам ва суғурта шартномаси бўйича бошқа зарарларни тўлаш билан бирга улар шартномада белгиланган суғурта суммасидан ортиқ (бирок 20 фоиздан ортиқ эмас) бўлганда ҳам тўланади;

в) суғурталанувчининг мулкӣ аҳволи, хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланишнинг ҳолати, шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ равишда маълум бўлиб қолган бошқа махфӣ ахборотни ошкор қилмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

16. Суғурталанувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳолатини текширишда қатнашиш;

б) суғурта ҳолатларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

в) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

г) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

17. Суғурталанувчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчига суғурта шартномасини тузишда, хабар қилинган ўзига маълум бўлган жиддий ўзгаришлар ва ҳолатлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиш;

б) суғурталовчига хавфли ишлаб чиқариш объектида содир бўлган ҳар қандай авария тўғрисида, шунингдек бошқа шахслар томонидан суғурталанувчига ўзларининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга етказилган зарарни тўлаш тўғрисида даъво билдиришга олиб келиши мумкин бўлган авариянинг ҳар қандай оқибатлари тўғрисида, бошқа шахсларнинг зарарни тўлатиш тўғрисидаги барча эътирозлари ва даъволари ҳақида хабар қилиш, авариянинг ҳолати ва сабабларини тавсифловчи барча ҳужжатларни тақдим этиш;

в) тегишли суд қарори олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурталовчига суд қарори билан белгиланган хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти тўғрисида хабар қилиш;

г) авария содир бўлганда, бўлиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш учун вужудга келган ҳолатларда оқилона ва қулай чоралар кўриш. Суғурталанувчи бундай чораларни кўраётганда, агар улар суғурталанувчига хабар қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши керак;

д) суғурталовчининг олдиндан розилигини олмасдан бошқа шахслар томонидан билдирилган талабларни бажариш бўйича бирон-бир мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик.

18. Суғурта шартномасида томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

19. Суғурталанувчи ва суғурталовчи томонидан ушбу Низом қоидалари бузилган тақдирда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

VII. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Бошқа шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича суғурта тўлови олиш;

б) суғурта ҳодисасини текширишда қатнашиш;

в) суғурта ҳодисаларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

г) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

д) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

21. Бошқа шахслар қуйидагиларга мажбур:

а) махсус органлар томонидан берилган хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария оқибатида зарар кўрилганлиги ва унинг миқдорини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

б) суғурталовчига унинг (суғурталовчининг) томонидан бошланган суғурта ҳодисасини мустақил экспертизадан ўтказишда кўмаклашиш.

22. Бошқа шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятлар олиши ҳам мумкин.

VIII. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш

23. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда суғурталанувчи суғурталовчини авария содир бўлиши натижасида:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига;

б) бошқа шахсларнинг мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилганда, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария содир бўлган вақтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилади.

24. Суғурта қоплови (суғурта пули)ни тўлаш миқдори суғурталовчи томонидан авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси, суд қарорлари ва суғурта ҳодисаси бошланишининг сабаблари ва ҳолатлари, шу жумладан бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори кўрсатилган бошқа материаллар асосида белгиланади.

25. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш томонлар имзолаган ва суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади

26. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта шартномасида кўрсатилган белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

Агар битта суғурта шартномаси бўйича уларга нисбатан турлича суғурта пули белгиланган бир неча хавфли ишлаб чиқариш объектлари суғурта қилинган бўлса, у ҳолда муайян суғурта ходисаси бўйича суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш авария содир бўлган хавфли ишлаб чиқариш объекти бўйича белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

27. Суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар қопланмайди:

а) маънавий зарар;

б) суғурталанувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга, улар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан шартнома (контракт)га мувофиқ меҳнат мажбуриятларини бажараётганда етказилган зарар;

в) суғурталанувчи мулккий ҳуқуққа, хўжалик юритуви ҳуқуқига ёки тезкор бошқариш ҳуқуқига ёхуд бошқача қонуний асосда (ижара ҳуқуқида, сақлаш шартномаси бўйича, ишончнома бўйича, мулкни унга бериш тўғрисидаги тегишли органининг фармойишига ва шу кабиларга кўра) унга тегишли бўлган мол-мулкка етказилган зарар;

г) суғурталанувчининг неустойка (жарима, пеня) тўлаш, унинг кафолатли ва шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариши, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрган зарарлари;

д) йўқотилган фойда.

28. Суғурта товони (суғурта пули) бевосита зарар кўрганга тўланади. Ушбу Низомнинг 15-банди «б» кичик бандида назарда тутилган харажатлар суғурталанувчига тўланади.

29. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта ходисаси тўғрисидаги даълолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида амалга оширилади.

30. Суд қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинган (рад этилган) тақдирда суғурталовчи суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишни, агар дастлабки қарор бўйича ижобий ёки салбий ҳулоса чиқариш мумкин бўлмаса, суднинг узил-кесил қарори қабул қилинадиган вақтгача кечиктириши мумкин.

31. Етказилган зарар шунингдек бошқа шахслар томонидан қопланадиган ҳолларда суғурталовчи фақат суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта товони (суғурта пули) ва бошқа шахслар томонидан қопланадиган пул ўрта-сидаги тафовутни тўлайди. Суғурталанувчи суғурталовчини зарарни жабрланганга қоплаш учун бошқа шахслар томонидан амалга оширилган — ўзига маълум бўлган тўловлар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

32. Суғурталанувчи суд қарорини ижро этиш асосида унга нисбатан суғурта шартномаси тузилган хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаган тақдирда суғурталовчи суғурталанувчига суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни у амалга оширган зарар товони доирасида, лекин суғурта шартномаси бўйича белгиланган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширади.

33. Суғурталовчининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни рад этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатлари ва шартнома билан белгиланади.

34. Суғурталанувчининг зарарни тўлаш (суброгация) юзасидан талаб қилиш ҳуқуқининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаган суғурталовчига ўтиши қонун ҳужжатлари ва шартнома билан тартибга солинади.

IX. Низоларни ҳал этиш

35. Суғурта шартномаси бўйича пайдо бўладиган низолар суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоли масалалар бўйича келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда уларни ҳал этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлиги учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаларининг энг кам миқдорлари

Хавфли ишлаб чиқариш объектининг типи	Суғурта пулининг энг кам миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларида)
Биринчи	250000 (икки юз эллик минг)
Иккинчи	50000 (эллик минг)
Учинчи	10000 (ўн минг)

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари учун суғурта пулининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида суғурта шартномаси тузилган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 509-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги «в¹» кичик банди қўшилсин:

«в¹) лойиҳа ҳужжатларига саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси — хавфли ишлаб чиқариш объектлари бўйича».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳа-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

тар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 11-бандига қўйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасини белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертиза ва аккредитациядан ўтказиш бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда белгиланган тартибда эксперт гувоҳномасини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш»;

ўнинчи — йигирманчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

497 Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни ташкил этиш ва кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини назарда тутувчи бир қатор ҳужжатлари қабул қилинди. Қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бирок ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилаётган мониторинг ва текширишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилинишининг кўплаб ҳолатлари ҳанузгача давом этмоқда, бу дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда. Масалан, ўтган даврда қишлоқ хўжалиги экинлари 2008 йил ҳосилининг пайҳон ва нобуд қилинишига доир 1600 тадан зиёд ҳолат аниқланди. Бундай ҳолатлар Касби, Навбахор, Кармана, Мирзачўл, Янгиобод, Тахтақўпир, Шовот, Пастдарғом, Юқори Чирчиқ, Сардоба, Ғиждувон, Поп, Бўз, Охунбобоев, Қизирик туманлари ва бошқа бир қатор туманларда айниқса кенг тарқалган.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан ушбу тадбирларнинг муҳимлигини тўлиқ англаб етмаслик ва уларга етарли баҳо бермаслик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан зарур даражада ва таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги натижасида содир бўлмоқда.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги экинзорлари пайҳон қилиниши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг экинзорлар пайҳон қилинишига қарши курашиш бўйича қабул қилинган қарорларни бажаришга доир ишлари нихоятда қониқарсиз деб эътироф этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда чорва молларини экинзорларда ўтлатиш ва ҳайдаб ўтказиш, автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникасининг улар орқали ўтиши ҳолатларига ҳамда экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилинишига олиб келадиган бошқа қоидабузишларга қарши курашишни кучайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилиниши ҳолатлари содир этилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари атрофини тўсиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсинлар;

экинзорлар кўплаб пайҳон қилинган жойларда, ердан фойдаланувчиларни жалб этган ҳолда кузатиш постлари ташкил қилсинлар. Дала назоратчилари иш самардорлигини оширсинлар, уларга хўжаликлар томонидан экин майдонларини айланиб чиқишлари учун зарур миқдорда миқладиغان отлар ажратилишини таъминласинлар;

чорва молларининг фақат махсус ажратилган жойларда ўтлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар, уларнинг экин майдонлари четларида ўтлатилишини қатъиян тақиқласинлар;

ички ишлар органларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда, жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан экинзорларнинг пайҳон бўлиши ҳолатларини аниқлаш ва бундай қоидабузишларнинг олдини олиш бўйича мунтазам рейдларни тизимли асосда ташкил этсинлар;

экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилиниши ҳолатлари аниқланган тақдирда чорва моллари, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки экинзорларни пайҳон ва нобуд қилишнинг бошқа воситалари эгаларини аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсинлар ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чораларини кўриш учун материалларни тегишли органларга тақдим этсинлар.

3. Жойларда қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ички ишлар вилоятлар бошқармалари ва туманлар бўлимлари бошлиқлари, шунингдек тегишли туманлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 3 мартдаги ПҚ–22-сон қарорига мувофиқ, экинзорлар пайҳон қилинган жойда ушланган чорва молларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши ҳамда улар фақат чорва моллари эгасига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазо чоралари қўллангандан сўнг ва етказилган зарар тўлиқ ундириб олингандан кейин қайтариб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

экинзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ташкилий-профилактика тадбирларини амалга оширсин, профилактика ишлари-

ни амалга ошириш учун тегишли постлар ташкил қилсин, экинзорлар пайҳон қилинишининг ҳар бир ҳолати бўйича айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

тегишли бўлинмалар ва хизматлар саъй-ҳаракатларини ушбу ҳолатлар содир бўлишига қарши фаол курашишга сафарбар этсин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига:

экинзорларнинг сақланишини таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш;

экинзорларнинг сақланишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрмаган хўжалик раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Маҳалла» республика жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда, туманлар ҳокимликларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларини жалб этган ҳолда, экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилинганлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинзорлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва ушбу ҳолатларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг матбуот, радио ва телевидение орқали мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А.Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 10 декабрь,
272-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

498 Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
9 декабрда 588-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил., 15-сон, 156-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва Меҳнат вазирликлари томонидан 1998 йил 30 ноябрда 2-271/04 ва 1235/04-1-сон билан тасдиқланган «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (рўйхат рақами 588, 1999 йил 7 январь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь,
71-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2008 йил 20 ноябрдаги 71-сонли буйруғига
ИЛОВА

«Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 25-моддасининг ўн биринчи қисмига ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган сабабларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди».

2. 2 ва 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи маркази (бундан кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашувчи марказ деб юритилади) томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсия тайинланади.

3. Муддатидан олдин пенсия суғурта қилинган ва мазкур Йўриқноманинг 2-бандига мувофиқ ишдан озод этилган (ёки белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган) ходимларга: эркаклар — 58 ёшдан 60 ёшгача бўлиб, умумий меҳнат стажы йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар — 53 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, умумий меҳнат стажы йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади».

3. 4-банд ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 6, 7, 8, 9-бандлар, 10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 15, 16, 19 ва 20-бандлар ҳамда 1, 2 ва 3-иловалардаги «меҳнат бўлимига», «меҳнат бўлими», «меҳнат бўлимида», «меҳнат бўлимларига», «меҳнат бўлимлари», «меҳнат бўлимининг» сўзлари тегишлича «Бандликка кўмаклашиш марказига», «Бандликка кўмаклашиш маркази», «Бандликка кўмаклашиш марказида», «Бандликка кўмаклашиш марказларига», «Бандликка кўмаклашиш марказлари», «Бандликка кўмаклашиш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

499 Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
9 декабрда 1879-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 147-модда)нинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси **қарор қилади:**

1. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг 2003 йил 15 декабрдаги 9-сонли «Объектлар қурилиши учун лойиҳа-кидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2004 йил 8 январь, рўйхат рақами: 1296 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 1-2-сонлар, 22-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Н. ХАНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 10 ноябрь,
22-сон

Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги
22-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 147-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли «Капитал қурилишда иқтисодий исло-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

хотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 68-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли «Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 11-сон, 88-модда) мувофиқ янги объектларни қуриш, бино ва иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ҳамда таъмирлаш бўйича лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом марказлаштирилган манбалар, давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари, инвесторлар, буюртмачилар, бошқа манфаатдор шахслар томонидан қўлланилиши назарда тутилган бўлиб, бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган қурилиш объектлари учун тавсиявий тусга эга.

2. Мазкур Низом лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини (лойиҳа, ишчи лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар) ишлаб чиқишда, шунингдек ишчи лойиҳалашдан олдинги дастлабки техник-иқтисодий асосланма (кейинги ўринларда ДТИА деб юритилади), дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ДТИХ деб юритилади), техник-иқтисодий асосланма (кейинги ўринларда ТИА деб юритилади) ҳамда техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ТИХ деб юритилади) босқичларида лойиҳа-тадқиқот ишларининг асосланма материаллари қийматини аниқлашга мўлжалланган.

3. Мазкур Низомга мувофиқ лойиҳа ишларининг жорий нархларда белгиланган қиймати қуйидагилар учун қўлланилади:

лойиҳа ишларининг ижрочисини белгилашда (танлов савдоларини ўтказишда бошланғич қиймат сифатида);

лойиҳа ишларининг буюртмачиси ва ижрочиси ўртасидаги музокаралар вақтида дастлабки тахминий нархнинг ўрнида;

инвестициялар ҳажмини режалаштиришда (шу жумладан бизнес-режаларни ва мақсадли рўйхатларни тузиш вақтида).

4. Лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилот лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини экспертиза органларида ҳамда ишчи ва давлат қабул комиссияларида ёқлашда (ҚМҚ 1.03.07-96 га мувофиқ лойиҳа-қидирув ташкилоти томонидан қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказиш ҳолларида) иштирок этади.

II. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби

5. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлашда қуйидагилар инobatга олинishi лозим:

мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган Лойиҳалаш ва қурилиш объектларининг мураккаблик даражасининг ягона таснифига мувофиқ лойиҳалаштирилаётган объектнинг функционал-соҳавий хусусиятларига кўра мураккаблик даражаси;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ лойиҳалашни мураккаблаштирувчи омиллар;

мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган қурилишнинг умумий қийматида

ускуна қийматининг солиштирма таркибига боғлиқ ҳолда қурилишнинг ҳисоб баҳосини аниқлаш учун пасайтирувчи коэффициентлар мавжудлиги;

лойиҳани манфаатдор идоралар билан келишиш.

6. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган параметрлар лойиҳалаштириш топшириғида назарда тутилган бўлиши шарт.

7. Лойиҳа қиймати қурилиш объекти нархи ва мураккаблик тоифасига кўра ҳисобланади.

Лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини ишлаб чиқишда жорий нархлардаги қурилиш қиймати таркибига қуйидагилар киритилиши лозим:

монтаж талаб этувчи жиҳозларга бўлган харажатлар;

қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига бўлган харажатлар;

ижтимоий суғурталаш ҳисобини инobatга олган ҳолда асосий меҳнат ҳақиға кетадиган харажатлар;

машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

ишлаб-чиқариш хусусиятига эға бошқа харажатлар;

пудратчининг бошқа сарф-харажатлари;

объектлар қурилишини суғурталаш харажатлари;

буюртмачининг бошқа сарф-харажатлари;

навбатдаги йилда қурилиш нархларининг прогнозланган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган хатарни қоплашға бўлган харажатлар.

8. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_p = S_b \times L, \text{ бунда:}$$

S_p — ишчи лойиҳанинги жорий нархлардаги қиймати;

S_b — объект қурилишининг жорий нархлардаги қиймати;

L — ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш қийматининг ҳисоблаш мезони (мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ).

9. Турли босқич ва даврларда лойиҳалашдан олдинги — асосланма ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг миқдорий-қиймати мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ аниқланади.

10. Иккита ёки ундан ортиқ мураккаблаштирувчи омил мавжуд бўлса, коэффициент уларнинг ҳар бирига алоҳида қўлланилади. Бунда умумий мувофиқлаш коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_c = 1 + \sum N, \text{ бунда:}$$

K_c — умумий мувофиқлаш коэффициенти;

$\sum N$ — бир турға қўлланиладиган мувофиқлаш коэффициентларининг каср қисмлари (вергулдан кейинги) йиғиндиси.

11. Мажмуалардан ташқаридаги айрим объектларни лойиҳалашда фойдаланишға тайёр бўлган кўп маротаба қўлланиладиган лойиҳалардан фойдаланилганда (лойиҳалаш топшириғига мувофиқ), ишлар қиймати қуйидаги коэффициентларни қўлланган ҳолда умумий қоида бўйича аниқланади:

пойдевор ечимларни қайта ҳисобламасдан — 0,4;

пойдевор ечимларини қайта ҳисоблаганда — 0,6;

пойдевор ва ер устки қисми ечимларини қайта ҳисоблаганда — 0,7.

12. Тугалланган қурилишнинг лойиҳа ва ҳақиқий ўлчамлари қийматига лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

13. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг тўлиқ қиймати қўйидаги формулага кўра аниқланади:

Бир босқичли лойиҳалашда («Ишчи лойиҳа»):

$$S_f = S_w + S_e \text{ бунда:}$$

S_f — лойиҳалаш маҳсулотининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

S_w — ишчи лойиҳанинг жорий нархлардаги қиймати;

S_e — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати.

«Ишчи лойиҳа» босқичи лойиҳа қийматини ҳисоблашда асос қилиб олинади.

Икки босқичли лойиҳалашда:

$$S_f = S_{bs} + S_{wp} + S_e \text{ бунда:}$$

S_f — лойиҳалаш маҳсулотининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

S_{bs} — асосланма қисмининг жорий нархлардаги қиймати;

S_{wp} — ишчи ҳужжатларининг жорий нархлардаги қиймати;

S_e — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати.

14. Лойиҳалаштириш топшириги билан шартланадиган лойиҳадан олдинги асосланма ҳужжатлар — ТИХ, ТИА ва бошқа босқич ҳамда даврларни ишлаб чиқишдаги қиймат қўйидагича ҳисобланади:

$$S_f = S_{bs} + S_e \text{ бунда:}$$

S_f — лойиҳалаш маҳсулотининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

S_{bs} — асосланма қисмининг жорий нархлардаги қиймати;

S_e — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати.

15. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг бошланғич қийматини белгилаш мақсадида мазкур Низомнинг 6-иловасида қурилишнинг тахминий қийматини аниқлашга доир қисқача тавсиялар келтирилган.

16. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш мисоли мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган.

17. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини ҳисоблашда кўзда тутилмаган ишлар қийматини аниқлаш мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

III. Яқуний қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 ноябрь*

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 ноябрь*

*Монополиядан чиқариш, рақобат
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 ноябрь*

—

+

+

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Лойиҳалаш ва қурилиш объектларининг мураккаблик даражасини ягона
ТАСНИФИ**

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
1. Электр энергетикаси							
1.1.	Гидроэлектр станциялари						✓
1.2.	Иссиқлик электр станциялари, қозонхоналар						✓
1.3.	Электр энергетикасининг бошқа объектлари						✓
2. Нефть, газ ва кўмир саноати							
2.1.	Нефть, газ ва кўмир саноати объектлари						✓
3. Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари							
3.1.	Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари объектлари						✓
4. Газ ва кўмир саноати							
4.1.	Газ ва кўмир саноати объектлари	Шу жумладан, таъмирлаш корхона- лари					✓
5. Metallургия ва электр техника саноати							
5.1.	Metallургия ва электр техника саноати кор- хоналари						✓
6. Тоғ-кон саноати							
6.1.	Тоғ-кон саноати корхоналари						✓
7. Кимё, минерал ўғитлар саноати							
7.1.	Кимё ва минерал ўғитлар саноати корхоналари						✓

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
8. Машинасозлик							
8.1.	Машинасозлик объектлари	Энергетика, оғир, транспорт, кимёвий, нефть					✓
9. Дастгоҳсозлик ва асбоб-ускуна саноати							
9.1.	Дастгоҳсозлик ва асбоб-ускуна саноати корхона- лари						✓
10. Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари							
10.1.	Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари корхоналари						✓
11. Автомобиль саноати							
11.1.	Автомобиль саноати корхоналари						✓
12. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги							
12.1.	Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари	Шу жумладан, чорвачилик ва ем- хашак ишлаб чиқариш машинасозлиги					✓
13. Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги							
13.1.	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги корхоналари						✓
14. Ҳаракатдаги таркиб, авиатехникани таъмирлаш							
14.1.	Ҳаракатдаги таркиб, авиатехникани таъмирлаш корхоналари						✓
15. Қурилиш металл конструкциялари							
15.1.	Қурилиш металл конструкциялари корхоналари						✓
16. Ўрмон, ёғочга ишлов бериш, қоғоз ишлаб чиқариш саноати							
16.1.	Ўрмон, ёғочга ишлов бериш, қоғоз ишлаб чиқариш объектлари						✓

+

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2008 й.

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
17. Қурилиш материаллари							
17.1.	Қурилиш саноати корхоналари	Цемент, бетон, йиғма темир-бетон буюмларни ишлаб чиқариш					▼
18. Тўқимачилик енгил саноати							
18.1.	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари						▼
18.2.	Ипак фабрикалари (корхоналари)					▼	
18.3.	Пойабзал фабрикалари (корхоналари)					▼	
18.4.	Пахта заводлари (корхоналари)					▼	
19. Балиқчилик саноати							
19.1.	Балиқчилик саноати объектлари						▼
20. Тиббиёт ва микробиология саноати							
20.1.	Тиббиёт ва микробиология саноати объектлари						▼
21. Агросаноат комплекси							
21.1.	Агросаноат комплекси объектлари	Ривожланган муҳандислик инфратузилма ҳудудларида			▼		
		Ўзлаштирилмаган ҳудудларда				▼	
22. Ун-ёрма ва омехта ем саноати							
22.1.	Ун-ёрма ва омехта ем саноати корхоналари						▼
23. Ўрмон хўжалиги							
23.1.	Ўрмон хўжалиги объектлари						▼
24. Сув хўжалиги қурилиш саноати							
24.1.	Сув хўжалиги қурилиш объектлари	Сув омборлари, суғориш, дренаж (қуритиш) тизимлари, мелиоратив тизимларидаги гидротехника қурилмалари,					▼

50 (342)-сон

— 61 —

499-модда

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
		суғориш насос станциялари, ерларни мелиоратив яхшилаш					
25. Ҳаво ва темир йўл транспорти							
25.1.	Ҳаво ва темир йўл транспорти бинолари ва иншоотлари	Вокзаллар, платформалар, аэропортлар, темир йўллар ва бошқалар					▼
26. Алоқа муассасалари							
26.1.	Алоқа бўлимлари, автоматлаштирилган телефон станциялари				▼		
26.2.	Почтамтлар, телеграфлар, саралаш тугунлари					▼	
26.3.	Алоқа тугуни бўлган автоматлаштирилган телефон станциялари					▼	
27. Темир ва автомобиль йўллари							
27.1.	Темир ва автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари	Шу жумладан, кўприклар, тоннеллар, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқалар					▼
28. Уй-жой қурилиши							
28.1.	Уйлар қошидаги хўжалик ва ёрдамчи иморатлар		▼				
28.2.	Боғ уйчалари, муваққат яшаш (ёзги) уйлари			▼			
28.3.	Йирик шаҳарлар марказларида қуришга мўлжалланган 9 — 12 қаватли бинолар					▼	
28.4.	Махсус асосланмалар ва Давлат архитектура ва қурилиш Қўмитаси рухсати билан қўлланиладиган 16 қаватли бинолар						▼
28.5.	Оммавий турар-жой қурилишининг 4 қаватдан юқори бўлмаган бинолари				▼		
28.6.	Оқоваланмаган шаҳар ва қишлоқ жойлари учун 1-2 қаватли бинолар			▼			

+

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
29. Аҳоли яшовчи жойлардаги қурилиш ишлари							
29.1.	Микротуманлар, даҳалар, шаҳар қурилиш комплекслари, бўлимлар, турар-жой ва жамоат бинолар гуруҳларини қуриш ишлари (турар-жой ва жамоат бино ва иншоотларини бир-бирига боғлашни инobatга олмасдан)	Меъморий-режалаш ечимлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаш, микротуманлар, даҳалар, комплекслар чегарасида рельефни, муҳандислик тизимларини ташкиллаштириш				▼	
29.2.	Кам қаватли коттеджлар, қўрғон турдаги уйларни қуриш				▼		
30. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаш (қурилиш лойиҳаларидан ташқари — мустақил объектлар)							
30.1.	Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаш	Ободонлаштиришга қўйилadиган энг кичик норматив талабларни қондирувчи шарoитлардаги аҳоли билан банд қишлоқ жойлари, коммунал ва саноат худудлари		▼			
		Ободонлаштиришга қўйилadиган ўртача талаб даражасидаги шаҳарлар, дала ҳовлилар, заводлар худуди, кичик меъморий шакллар			▼		
		Ободонлаштиришга юқори даражадаги талаблар қўйилadиган худудлар				▼	
30.2.	Шамол ва шовқиндан ҳимояловчи минтақалар, асбоб-ускуна ва техника жиҳозлари билан таъминланмаган велосипед ва чана, йўловчилар йўлқалари (терренкуралар)		▼				
31. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат							
31.1.	Вақтинчалик павильонлар, шохобчалар, айвонлар ва бошқалар		▼				

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
31.2.	Дўконлар, йил давомида ишлайдиган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	Шу жумладан, кафелар, ошхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари			▼		
31.3.	Савдо уйлари, йирик универсал ва ихтисослашган дўконлар, супермаркетлар, ресторанлар					▼	
32. Соғлиқни сақлаш							
32.1.	Поликлиникалар, амбулаториялар, дорихоналар, касалхоналарнинг хўжалик бинолари, тиббий тез ёрдам станциялари, сут-қатиқ ошхоналари, санитария-эпидемиология станциялари			▼			
32.2.	Касалхоналар, тиббий марказлар, даволаш-диагностика бинолари, касалхона комплекслари	Стандарт асбоб-ускуналар ва жиҳозлар (қўп қарра қўлланиладиган)				▼	
		Ноёб асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, янги технологиялар					▼
33. Маориф ва болалар муассасалари							
33.1.	Махсус мактаблар, лицейлар, коллежлар, гимназиялар					▼	
33.2.	Олий ўқув юртлари					▼	
33.3.	Университетлар						▼
33.4.	Болалар ўйин майдончалари, солярийлар, соғломлаштириш павильонлари		▼				
33.5.	Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар			▼			
34. Томоша муассасалари							
34.1.	Кино ва видеофильмларни вақтинчалик намойиш этиш павильонлари		▼				
34.2.	Ёзги саҳна ва кинотеатрлар			▼			
34.3.	1000 ўрингача бўлган кинотеатрлар, видеомарказлар				▼		

+

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти қўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
34.4.	1000 ўрндан ортиқ кино-концерт заллари ва кинотеатрлар					▼	
34.5.	Театрлар, цирklar, музейлар						▼
35. Матбаачилик саноати							
35.1.	Матбаачилик саноати объектлари						▼
36. Сув таъминоти ва канализация							
36.1.	Ер ости манбаларидан сув чиқариш комплекслари			▼			
36.2.	Ер усти манбаларидан сув чиқариш комплекслари	Дарёлар, қўллар, сув омборлари, каналлар ва бошқалар					▼
36.3.	Табиий сувлар, маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари учун тозалаш иншоотлари						▼
36.4.	Сув ўтказгичлар ва тизимлар					▼	
37. Транспорт, нефть маҳсулотларини сақлаш ва автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари							
37.1.	Автотранспорт корхоналари	Шу жумладан, автоўл-механизация базалари, автосаройлар, трамвай ва троллейбус деполари				▼	
37.2.	Гаражлар	Тозалаш иншоотлари бўлмаган боксли ва бир қаватли		▼			
		Тозалаш иншоотлари бўлган			▼		
		Қўп қаватли қўтаришли, ер устки					▼
37.3.	Нефтни қазиб олиш корхоналари, нефть базалари, нефть маҳсулотлари омборлари					▼	
37.4.	Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари					▼	
38. Илмий-тадқиқотчилик муассасалари							
38.1.	Лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари			▼			
38.2.	Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ) ва лабораториялар				▼		

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
38.3.	Академик илмий-тадқиқотчилик марказлари						▼
39. Жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари							
39.1.	Ўйин майдонлари ва стадионлари	Ёрдамчи иншоотларсиз	▼				
		Мавсумли ёрдамчи иншоотлари бўлган			▼		
		Трибуналар ва трибуна ости иншоотлари билан			▼		
39.2.	Ҳовузлар (бассейнлар)	Очиқ			▼		
		Ёпиқ				▼	
39.3.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари	Ҳовузли				▼	
		Ҳовузсиз			▼		
39.4.	40000 ва ундан ортиқ ўринли очиқ стадионлар				▼		
39.5.	40000 ва ундан ортиқ ўринли ёпиқ стадионлар, спорт саройлари					▼	
40. Фавқулоддаги ҳодисалар оқибатларидан ҳимоялаш иншоотлари							
40.1.	Радиацияга қарши пана жойлар (РҚПЖ)			▼			
40.2.	Ер ости махсус иншоотлари	Автоном муҳандислик жиҳозланиш тизимларисиз				▼	
		Автоном муҳандислик жиҳозланиш тизимлари билан					▼
41. Автоматик ўт ўчириш қурилмалари, ёнғиндан сақлаш ва кўриқчи сигнализация тизимлари							
41.1.	Спринклерли ва дренчерли қурилмалар	Мавжуд корхоналарда монтаж қилиш					▼
		Лойиҳалаштирилаётган комплекс				▼	
41.2.	Ёнғиндан сақлаш-кўриқлов сигнализацияси			▼			
42. Газ тозалаш ва чанг тутқич иншоотлари							
42.1.	Кўрсатилганларда кўзланадиган қурилмалар	Мавжуд корхоналарда монтаж қилиш					▼
		Лойиҳалаштирилаётган комплекс					▼

+

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
43. Махсус ишлар							
43.1.	Тупроқларни музлатиш, кимёвий мустаҳкамлаш, кудуқли чуқур усулларини қўллаш						▼
43.2.	Қурилиш учун сувни чуқурлаш ва дренаж					▼	
44. Шаҳар инфратузилмаси муҳандислик иншоотлари							
44.1	Водопровод, маиший хўжалик ва ёмғир канализацияси, газ таъминоти, дренаж, алоқа, электр таъминоти, электр ёритгич, телевидение, радио магистраллари ва тармоқлари	Лойиҳалаш ва қурилиш ва ер ости коммуникациялардан бўш ҳудудларда қуриш			▼		
		Шаҳар тор кўчалари ва шаҳарнинг қурилган қисмларида лойиҳалаш ва қурилиш ишлари, ер ости коммуникациялар мавжудлигида				▼	
		Темир йўллар ёки метрополитен йўлларида кесиб ўтиш, мураккаб гидрогеология шароитларида ер остидан ўтиш, иш олиб боришнинг махсус усуллари қўлланган ер ости ва ер устки иншоотларга бевосита яқинликда лойиҳалаш ва қуриш					▼
44.2.	Алоқа, электр энергиясини ва бошқа қувват ташувчиларини автоматлаштирилган бошқариш тизимлари	Автоном объектлар сифатида лойиҳалаш ва қуриш (лойиҳаланган қурилиш комплексларидан ташқарида)				▼	
44.3.	Жиҳозлашган марказий иссиқлик шохобчалари, қозонхоналар					▼	
44.4.	Шаҳар транспорт иншоотлари: кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлари, эстакадалар, пиёдалар ўтиш жойлари, қирғоқ йўлаклар, причаллар;	Қурилишдан бўш ҳудудларда лойиҳалаш ва қуриш			▼		
		Қурилиш шаклланган жойларда лойиҳалаш ва қуриш				▼	

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
	темир йўллар, автомагистраллар, сув тўсқинлари устидан муҳандислик коммуникацияларни ўтказиш учун кўприк йўлаклари	Ер ости тармоқлари ривожланган жойларда лойиҳалаш ва қуриш					▼
44.5.	Шаҳар транспорт магистраллари, кўчалари, йўллари, трамвай йўллари, даҳалар ичидаги транспорт йўлаклари, транспорт бўғинлари, автотўхташ жойлари, умумий транспорт туриши ва сақлаш учун яқиний станциялар ва майдончалар (шу жумладан, хизмат кўрсатиш иншоотлари), пиёдалар юрадиган кўчалар, йўлчалар, парклардаги хиёбон ва йўлчалар	Шаҳарнинг қурилишдан бўш жойларида, берилган қизил чизиқли, кесишган профиль белгилли жойлардаги қиялик 5 дан 40 %гача бўлган рельефда лойиҳалаш ва қуриш			▼		
		Таянчли қурилиш шакланган ёки берилган қизил чизиқли, кесишган профиль белгилли жойлардаги қиялик 0 дан 5% гача ёки 40% дан ортиқ бўлган рельефда лойиҳалаш ва қуриш				▼	
		Ирригация тизими мавжудлигида ёки қизил чизиқлар ва кесишган профиль чизиқларини мувофиқлаш ва ишлаб чиқиш билан лойиҳалаш ва қуриш.					▼
44.6.	Коммуникация туннеллари (ер ости коммуникациялар учун коллекторлар) ва иссиқлик тармоқлари	Шаҳарнинг қурилишдан ва мавжуд бўлган ер ости коммуникацияларидан бўш ҳудудларида лойиҳалаш ва қурилиш ишлари			▼		
		Шаҳарнинг қурилган қисмида бошқа ер ости коммуникациялари билан бирга ёки мавжуд бўлганлари устига лойиҳалаш ва қуриш				▼	
		Мураккаб гидрогеология шароитларда махсус усулларни, индивидуал конструкцияларни, ер остидан ўтишни, метрополитен ва темир йўлларни ке-					▼

+

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
		сиб ўтишни қўллаб, бирикма коммуникацияларни ўтказиш билан лойиҳалаш ва қуриш					
44.7.	Шаҳар сув ҳавзалари				▼		
44.8.	Сўғориш ва водопровод тизимлари, сунъий сув ҳавзалари ва бошқалардаги гидротехника иншоотлари					▼	
44.9.	Электр коррозиясидан фаол ҳимоялаш	Катодли ҳимоя станциялари ва бошқалар				▼	
45. Маҳаллий озиқ-овқат саноати							
45.1.	Новвойхоналар				▼		
45.2.	Иссиқхона хўжалиги объектлари	Мураккаб асбоб-ускуналарсиз		▼			
		Янги технологиялар ва жиҳозланишни автоматлаштирилган бошқарув тизими қўллаш билан			▼		
45.3.	Консерва, ош-овқат, колбаса, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари					▼	
46. Меҳмонхона хўжалиги							
46.1	Меҳмонхоналар, отеллар	3 юлдузгача				▼	
		5 юлдузгача					▼
47. Дам олиш ва туризм муассасалари							
47.1.	Палаткали оромгоҳлар, сайёҳлик уйлари, тўхташ жойлари, чанғи базалари		▼				
47.2.	Кемпинглар, мотеллар, сайёҳлик базалари, ёзги дам олиш оромгоҳлари, базалари, альпинистлар тўхташ жойлари			▼			
47.3.	Йил бўйи ишловчи оромгоҳлар				▼		

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
47.4.	Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, 500 ўрингача бўлган санаториялар					▼	
47.5.	500 ва ундан ортиқ ўринли санаториялар, олий тоифали сайёҳлик комплекслари						▼
48. Маданий-оқартув муассасалари							
48.1.	Ўйин ва рақслар учун вақтинчалик павильонлар		▼				
48.2.	Маданият паркларидаги қироатхона ва кўرғазма заллари			▼			
48.3.	Кўрғазма заллари, қишлоқ клублари, музейлар				▼		
48.4.	Маданият уйлари, кутубхоналар					▼	
48.5.	Миллий галереялар, маданият марказлари, мас-жидлар						▼
49. Жамоатчилик ва маъмурий бинолар							
49.1.	Маъмурий бинолар, офис хоналари				▼		
49.2.	Ҳокимиятлар бинолари, ижтимоий-сиёсий фаолият марказлари, ҳукумат бинолари, бизнес-комплекслар (марказлар), кўп тармоқли жамоатчилик комплекслари						▼
49.3.	Банклар, биржалар, банкларнинг бўлимлари, ҳисоблаш марказлари					▼	
50. Моддий-техника таъминоти объектлари							
50.1.	Қурилиш-монтаж ташкилотлари, жамоат транспорти ва бошқа объектларнинг ишлаб чиқариш базалари					▼	
50.2.	Омборхоналар, ангарлар, омборлар	Мавсумий	▼				
		Йил бўйи ишловчи			▼		
50.3.	Омборхона комплекслари	Соддалашган, муҳандислик жиҳозлан-нишсиз		▼			

+

Т/р	Лойиҳалаш ва қурилиш объекти номи	Қурилиш объекти кўрсаткичлари ва тавсифи	Мураккаблик даражаси				
			I	II	III	IV	V
		Муҳандислик жиҳозлари билан таъминланган			✓		
51. Маиший хизмат объектлари							
51.1.	Ахлатни қайта ишлаш заводлари (корхоналар)						✓
51.2.	Ахлатни қайта юклаш станциялари						✓
51.3.	Кир ювиш, кимёвий тозалаш хоналари, ҳаммомлар			✓			
51.4.	Соғломлаштириш турига кирувчи ҳаммомлар	Сауналар, туркча ҳаммомлар ва бошқалар				✓	
52. Жамоат тартибини сақлашга боғлиқ муассасалар							
52.1.	Тергов изоляторлари, милиция бўлимлари			✓			
52.2.	Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари				✓		

Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Мураккаб шароитлар учун лойиҳа ҳужжатларини
ишлаб чиқиш қийматининг
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Т/р	Лойиҳалашни мураккаблаштирувчи омиллар	Мувофиқлаш коэффициентлари маъноси
1.	Объект хусусиятларининг ўта ноёблиги	1,5
2.	Кўп қарра қўлланиладиган объектларни лойиҳалаш, лойиҳалаш учун асос материалларни тайёрлаш, экспериментал лойиҳаларни ишлаб чиқиш	1,4
3.	Мураккаб жойларга қуриладиган объектлар (худуднинг торлиги, худудни қурилишга тайёрлаш учун махсус ишларни ўтказиш зарурати, чўкадиган ва султ тупроқлар, ер ости сувлари сатҳининг яқинлиги ва бошқалар). Қўлланиладиган меъморчилик, техникавий ва муҳандислик ечимларнинг янгилиги	1,2
4.	Майдончанинг ҳисоб бўйича зилзилага чидамлилиги 7-8 балл	1,1
5.	Майдончанинг ҳисоб бўйича зилзилага чидамлилиги 9 балл	1,2
6.	Тарихий бинолар ҳудудида қуриладиган объектлар	1,3
7.	Объектларни қайта тиклаш	1,4
8.	Фаолият юритувчи корхона шароитларида қайта тиклаш (ишлаб чиқариш мўлжалдаги объектлар учун)	1,8
9.	Мавжуд бўлган бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкцияларини кучайтириш лойиҳалари	1,2

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Қурилишнинг умумий қийматида ускуна қийматининг
солиштирма таркибига боғлиқ ҳолда қурилишнинг ҳисоб
баҳосини аниқлаш учун пасайтирувчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Қурилишнинг умумий қийматида ускуна қийматининг солиштирма таркиби	Пасайтирувчи коэффициентлар
1.	25% гача	1,0
2.	25%	0,8
3.	50%	0,65
4.	70%	0,50
5.	90% ва ундан ортиқ	0,40

Изоҳ: оралиқ қийматлар интерполяция йўли билан аниқланади.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш қийматининг ҳисоблаш
мезонини аниқлаш**

Т/р	Объект қурилишининг (янгидан қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, модерни- зациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш) жорий нархлардаги қиймати, млн. сўм ҳисобида	Лойиҳа ишлари қийматининг ҳисоблаш мезони, мураккаблик даражасига кўра қурилиш қийматига нисбатан % да					Изоҳ
		I	II	III	IV	V	
1.	20,0 гача	6,0	---	---	---	---	
2.	30,0 гача	5,1	6,0	---	---	---	
3.	50,0 гача	4,3	5,1	6,0	---	---	
4.	100,0 гача	3,4	4,7	5,1	6,0	---	
5.	250,0 гача	---	4,3	4,7	5,1	6,0	
6.	500,0 гача	---	3,8	4,3	4,7	5,5	
7.	750,0 гача	---	3,4	3,8	4,5	5,1	
8.	1000,0 гача	---	---	3,7	4,3	4,5	
9.	2500,0 гача	---	---	3,7	4,1	4,4	
10.	5000,0 гача	---	---	3,6	3,9	4,3	
11.	7500,0 гача	---	---	3,4	3,8	4,3	
12.	10000,0 гача	---	---	---	3,7	4,1	
13.	25000,0 гача	---	---	---	3,6	4,0	
14.	50000,0 гача	---	---	---	3,5	3,8	
15.	75000,0 гача	---	---	---	3,4	3,6	
16.	100000,0 гача	---	---	---	---	3,5	
17.	100000,0 дан ортиқ	---	---	---	---	3,4	

Изоҳлар:

1. Қурилиш қийматини аниқлаш мақсадида объектларни лойиҳалаш ва қуриш-нинг чегаралари қуйидагича белгиланади:

комплекслар учун (икки ва ундан ортиқ бино ва иншоотлардан иборат объектлар учун) — ажратилган ер майдони чегарасида;

алоҳида бино ва иншоотлар учун — бино ва иншоотнинг чегарасини белгилловчи конструкцияларнинг, шу жумладан, биноларнинг кўприкли, муҳандислик жиҳозлар тизимларини чиқариш ва киритиш жойларидаги ташқи контурлари ичида.

2. Ҳисоблаш мезонининг оралиқ миқдорлари вертикал қатордаги бир-бирига энг яқин бўлган иккита кўрсаткичга тузатиш киритиш билан аниқланади.

3. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш қийматини ҳисоблашда қуйидаги ишлар ҳисобга олинмаган:

конструкциялар ва ишларни бажаришнинг ўта мураккаб усуллари қўлланиладиган объектларни лойиҳалаш вақтида махсус ёрдамчи иншоотлар, мосламалар, қурилма ва ускуналарнинг ишчи чизмаларини ишлаб чиқиш (бу ишлар лойиҳалаш-тириш топшириғида акс эттирилган бўлиши зарур);

заводда ишлаб чиқариладиган металл конструкциялар ва технологик қувур ўтказгичларнинг муфассал чизмаларини, андозасиз ва ностандарт жиҳозларни конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш (шу жиҳозларни конструкциялашга бўлган лойиҳалаш топшириқлари бундан мустасно);

қурилиш устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш;

буюртмачи топширигига биноан қўшимча ишларни бажариш;
техник кўрик ва ўлчов ишларини бажариш.

Мазкур Иловада келтирилган объектлар қурилишининг жорий нархлардаги қийматида қўшилган қиймат солиғи эътиборга олинмаган.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Турли босқич ва даврларда лойиҳалашдан олдинги
асосланма ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг
миқдорий-қиймати**

Т/р	Ҳужжатларни ишлаб чиқиш босқичлари номи	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишга нисбатан улуш миқдоридаги қиймати
1.	ДТИА мустақил босқич сифатида	0,10
2.	ДТИҲ мустақил босқич сифатида	0,10
3.	ТИА мустақил босқич сифатида	0,15
4.	ТИҲ мустақил босқич сифатида	0,15
5.	Лойиҳа қўшув ишчи ҳужжатлар чизмаси бўйича икки босқичли ишчи лойиҳалаш, шу жумладан:	1,0
	а) лойиҳа	0,2ч0,4
	б) ишчи ҳужжатлар	0,8ч0,6
6.	ТИҲ (ТИА) қўшув ишчи ҳужжатлар чизмаси бўйича икки босқичли ишчи лойиҳалаш, шу жумладан:	1,0
	а) ТИҲ (ТИА)	0,2ч0,3
	б) ишчи ҳужжатлар	0,8ч0,7
7.	Ишчи лойиҳа давридаги бир босқичли лойиҳалаш	1,0
8.	Танлов ҳужжатларининг техникавий қисмини ишлаб чиқиш	0,1
9.	ДТИҲ (ДТИА) қўшув ТИҲ (ТИА) қўшув ишчи ҳужжатлар чизмаси бўйича уч босқичли ишчи лойиҳалаш, шу жумладан:	
	а) ДТИҲ (ДТИА)	0,1
	б) ТИҲ (ТИА)	0,15
	в) ишчи ҳужжатлар	0,75

Изоҳ:

1. Бинони лойиҳалашга бўлган топширикда кўрсатиб ўтилган бошқача, муқо-бил босқичлар ва аралаш босқичлар учун жадвалдаги маълумотлардан қўлланили-шига кўра фойдаланилади.

2. Кўп босқичли лойиҳалашда, босқичлар тўпламидан қатъи назар, барча бос-қичларнинг йиғинди қиймати — 1,0 га тенг бўлади.

Масалан:

1. Икки босқичли — чизмалы лойиҳа — ишчи ҳужжатлар — ишчи лойиҳа-лашда 6 ёки 5-банд кўрсаткичлари қўлланилади.

2. Чизмали лойиҳа (ёки чизма) — босқичида мустақил давр сифатида асосланма ҳужжатларини ишлаб чиқишда 1 — 4-бандлар кўрсаткичлари қўлланилади.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Қурилишнинг тахминий қийматини аниқлашга доир қисқача ТАВСИЯЛАР

Лойиҳа қидирув ишларини белгилаш мақсадида қурилишнинг қийматини аниқлашда қуйидагилар қўлланилади:

1-вариант. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан чиқариладиган қурилажак қувватлар бирлигини қуриш қийматларидаги солиштирама нормативлар тўпламлари.

2-вариант. Лойиҳалаш ташкилотлари ихтиёрида бўлган аналог объектлар.

3-вариант. Қурилишнинг йирик ҳисобда олинган смета кўрсаткичлари.

4-вариант. Ҳужжатлар ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида аниқлаб олинган иқтисодий кўрсаткичлар.

Кўрсатилган материалларда кўрсатилган қийматлар жорий вақтга нисбатан келиштирилган ҳолда қўлланилади. Бунда индексни ҳисоблаб чиқиш учун асосий тузилмавий харажатларнинг тузилиши қуйидаги улушли миқдорда (фоизларда) олинади (жиҳозланишсиз):

меҳнат ҳақи — 0,2 (20);

материаллар — 0,6 (60);

машиналардан фойдаланиш — 0,2 (20);

Ўзгариш индекси қуйидагича олинади:

меҳнат ҳақи тўлови харажатларига — жорий ҳисоблаш даврдаги энг кам иш ҳақининг нормативлар ва аналогларини ишлаб чиқиш давридаги энг кам иш ҳақига бўлган мутаносибликда;

материалларни харид қилиш харажатларига — материал-буюмларнинг (бетон, ғишт, металл, ёғоч конструкциялар ва бошқалар) жорий ҳисоблаш даврдаги нархларининг нормативлар, аналогларни ишлаб чиқиш давридаги шу материаллар нархларига бўлган мутаносибликда;

машиналардан фойдаланишга — жорий ҳисоблаш даврдаги ёқилғи материаллар нархларининг нормативлар, аналогларни ишлаб чиқиш давридаги нархларига бўлган мутаносибликда.

Жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг қиймати буюртмачи, нарх-наво варақлари, каталоглар, биржа хабарномалари ёки ҳаққоний ахборотнинг бошқа манбаларидан олинган маълумотларга кўра аниқланади.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Лойиҳа ишлари қийматини аниқлаш мисоли

Лойиҳалаш объекти: тозалаш иншоотларига эга бўлган гараж.

Босқич — «Ишчи лойиҳа».

Майдончанинг ҳисоб бўйича зилзилага чидамлилиги — 9 балл.

1. Лойиҳалаш объекти ва қурилиш мураккаблиги даражасининг ягона тасни-
фига кўра объектнинг мураккаблик даражаси — III.

2. Мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ қурилишнинг тахминий қиймати
220,0 млн. сўми ташкил қилади.

3. Мазкур Низомнинг 4-иловасига кўра вертикал қатордаги бир-бирига энг яқин
бўлган иккита кўрсаткичга тузатиш киритиш усули билан лойиҳа ишлари қиймати-
нинг ҳисоблаш мезони аниқланади.

Бунда:

100,0 млн.сўмлик тафовут 4,7% даражасига мос келади.

250,0 млн. сўмлик тафовут 4,3% даражасига мос келади.

Тузатиш киритиш усули билан топилган 220,0 млн. сўм миқдоридagi ҳисоб-
лаш мезони 4,35 % даражасига мос келади.

4. Асосий лойиҳа ишлари қиймати — 220,0 млн. сўм \times 4,35 % \times 1,2 = 11,48 млн.
сўм.

5. Лойиҳалаш топшириғига кўра ишга тушириш комплексини алоҳида ҳисоб-
лаш талаб этилади.

Мазкур Низомнинг 8-иловаси 5-бандига мувофиқ тегишли ҳужжатларни иш-
лаб чиқишга ҳисоблаш мезонини горизонтал қатордаги бир-бирига энг яқин бўлган
иккита кўрсаткичга тузатиш киритиш йўли билан аниқланади.

Бунда:

200,0 млн. сўмлик тафовут 0,7% даражасига мос келади.

1500,0 млн. сўмлик тафовут 0,56% даражасига мос келади.

Тузатиш киритиш усули билан топилган 220,0 млн. сўм миқдоридagi ҳисоб-
лаш мезони 0,697 % даражасига мос келади.

6. Ишга тушириш комплексини алоҳида ҳисоблаш ишлари қийматини ҳисоб-
лаб чиқамиз:

$$220,0 \text{ млн. сўм} \times 0,698\% = 1,54 \text{ млн. сўм}$$

7. Ишчи лойиҳа ишлаб чиқилишининг тўлиқ қийматини ҳисоблаймиз:

$$11,48 + 1,54 = 13,02 \text{ млн. сўм, бунда:}$$

11,48 млн. сўм — асосий лойиҳа ишлари қиймати;

1,54 млн. сўм — ишга тушириш комплексини алоҳида ҳисоблаш қиймати.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Кўзда тутилмаган ишлар қийматини аниқлаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Ишлар номи	Ҳисобланадиган қиймат даражаси, қурилиш қийматига нисбатан % да				
		Қурилишнинг жорий нархлардаги қиймати				
		200 млн. сўмгача	200 дан 1500 млн. сўмгача	1500 дан 10000 млн. сўмгача	10000 дан 50000 млн. сўмгача	50000 дан 200000 млн. сўмгача
1.	Махсус ёрдамчи иншоот, мосламаларга ишчи чизмаларни ишлаб чиқиш. Конструкциялари ва ишларни бажариш усуллари ўта мураккаб бўлган объектларни лойиҳалашдаги мосламалар ва қурилмалар	0,7	0,56	0,45	0,36	0,28
2.	Заводда ишлаб чиқарилган металл конструкциялар ва технологик қувур ўтказгичларнинг муфассал чизмаларини, шунингдек андозасиз ва ностандарт жиҳозларни ишлаб чиқишга бўлган конструкторлик ҳужжатларни ишлаб чиқиш (шу жиҳозларни ишлаб чиқишга бошлангич талабларни тузиш бундан мустасно)	Конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга тааллуқли бўлган тўпламлар бўйича				
3.	Қурилиш устидан муаллифлик назорати, лойиҳаларни ишланма бошланишидан амалга татбиқ этилишининг охиригача олиб бориладиган техникавий кузатув	1,7	1,3	1,05	0,84	0,67
4.	Лойиҳа ҳужжатларига экологик илова материалларини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг шу соҳага оид қабул қилган норматив ҳужжатлари асосида				
5.	Буюртмачи топшириғига биноан қўшимча ишларни бажариш: а) дастлабки-рухсатловчи ҳужжатларни шакллантириш;	Умумий ҳолда лойиҳалаш ташкилотининг ижрочиларига (ишлаб чиқариш ходимларига) тўлашга режалаштирилган меҳнат ҳақи фондидан келиб чиққан ҳолда меҳнат харажатларига кўра ҳисобланади (жадвалга бўлган 1-изоҳга қараганг)				
	б) топография (геодезия), геология ишлари;	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг шу соҳага оид қабул қилган норматив ҳужжатлари асосида				
	в) ишга тушириш комплексини алоҳида ҳисоблаш;	0,7	0,56	0,45	0,36	0,28
	г) лойиҳалаш топшириғини шакллантиришга зарур бўлган лойиҳалашдан олдинги ишлар мажмуаси (шу жумладан, қурилиш	0,05	0,04	0,032	0,026	0,021

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Ишлар номи	Ҳисобланадиган қиймат даражаси, қурилиш қийматига нисбатан % да				
		Қурилишнинг жорий нархлардаги қиймати				
		200 млн. сўмгача	200 дан 1500 млн. сўмгача	1500 дан 10000 млн. сўмгача	10000 дан 50000 млн. сўмгача	50000 дан 200000 млн. сўмгача
	майдончаси ва дастлабки-рухсатловчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, буюртмачи таклифларини кўриб чиқиш ҳамда лойиҳалаш топшириғини тузиш)					
	д) лойиҳалаш вақтида дастлабки маълумот сифатида қўлланиладиган илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-экспериментал амалий ишлар, илмий ва илмий техникавий асосламалар	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг шу соҳага оид қабул қилган норматив ҳужжатлари асосида				
	е) ресурсларнинг (материаллар, буюмлар, машиналар ижараси ва ҳоказо) бозордаги нархини аниқлаш қисмида ишлаб чиқувчилар — лойиҳа ташкилоти кучи билан ўтказилган маркетинг тадқиқотлар хулосаларига кўра жорий нархлардаги қийматини ҳисоблаш	1,0	0,8	0,65	0,5	0,4
		Эслатма: бир шартнома доирасида энг кам иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан кам бўлмаслиги керак				
6.	Техник кўрик ва ўлчов ишлари	Ижрочиларига (ишлаб чиқариш ходимларига) тўлашга режалаштирилган меҳнат ҳақи фондидан келиб чиққан ҳолда меҳнат харажатларига кўра ҳисобланади (жадвалга бўлган 1-изоҳга қаранг)				

Изоҳлар:

1. Меҳнат харажатлари бўйича ҳисоб-китоб қуйидаги формула бўйича ҳисобланиши керак:

$$S_p = C_i \times N_c, \text{ бунда:}$$

S_p — жорий нархлардаги қиймат;

C_i — берилган ишни бажариш учун ижрочиларга (ишлаб чиқариш ходимларига) тўлашга режалаштирилган меҳнат ҳақи фонди;

N_c — қиймат нормативи, лойиҳалаш ташкилотида ҳисобланган йиллик ҳажмининг режага кўра ижрочиларга (ишлаб чиқариш ходимлари) тўланадиган иш ҳақиға бўлган мутаносибликда аниқланади. Аввалги йил учун йиллик баланс ҳисоботининг молиявий натижалари кўрсаткичларига мувофиқ белгилаш тавсия этилади.

2. Ҳисоблаш мезонининг оралиқ миқдорлари горизонтал қатордаги бир-бирига энг яқин бўлган иккита кўрсаткичга тузатиш киритиш орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 6 декабрдан 12 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 71-сонли буйруғи.*

2008 йил 9 декабрда 588-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 декабрдан кучга киради).

2. «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 22-сонли қарори.*

2008 йил 9 декабрда 1879-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Объектлар қурилиши учун лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1296, 2004 йил 8 январь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 9 декабрдаги 243-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йил 24 октябрдаги 17-28/778кх-сонли хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегиш-

ли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

-

+